




ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!


ПОСТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 21 август, пайшанба • 34 (3510)-сон

Тошкент — Уш автомобиль йўлининг Қамчиқ ва Резак доволари орқали ўтадиган йўл мустақиллигимиз шарофати билан қайта таъмирланиб, янада равонлашди. Президентимиз Ислоҳ Каримов айтганларидек, Буюк Ипақ йўлининг муҳим бўғини бўлмиш ушбу йўл кўплаб халқларни бирлаштирувчи, биродарлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолди. Йилнинг ҳар қандай иқлим шароитида ундан бемалол фойдаланиш мумкин. Бу эса одамларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳимдир. Айни пайтда бу йўлда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда Тошкент ва Наманган вилоятлари ИИБ ЙХХБ ходимларининг хизматлари беқиёс.



ТИНЧЛИК, БИРОДАРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ



Суратларда: Наманган вилояти ИИБ ЙХХБ ЙПХ инспекторлари, милиция сержантлари И. Худойбердиев ва Ф. Толиповлар бузилиб қолган транспорт ҳайдовчисига ёрдам кўрсатишмоқда; “Наманган” ЙПХ масканида инспектор-кинолог, милиция катта сержанти М. Эсонов “Ена” лақабли хизмат ити ёрдамида шубҳали машинани кўздан кечиряпти; доволдаги туннелнинг ташқи кўриниши.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

УШБУ СОНДА:

ДАВР

ТАҚОЗОСИ

«Энди АҚШ ва Европа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусан тергов хизматлари фаолиятининг диққатга сазовор жиҳатларига тўхталсам. Хорижда тезкор суриштирув ва тергов билан бир шахс шугулланар экан...»



3

ЭНГ БАХТЛИ ВА... БАХТСИЗ ОНА

«Янги совет тузумини мустақкамлаш халқпарвар инсоний тамойиллар асосида эмас, аксинча алдов, қўрқитиш, зулм ва зўравонлик билан амалга оширилди. Қонли совет тузумининг ўзбек халқига келтирган жабру жафоси — йўқотишлар ҳақидаги минглаб саҳифалар тарих қатларида ҳануз сарғайиб ётибди.»

4

«Сендан рози эмасман...»

«...Собир ҳеч нарсани англаб етмасди. Унинг кўз ўнгиде фақат онасининг пенсия пуллари пайдо бўларди, холос...»



15

Кўнгли нозик қизиқчи

«...Шунда бир қассоб йигит ҳазил тариқасида пичоқ билан даврага чиқди. Мен унга қаратэ усулини қўллаб, секин пичоқни олиб киссамга солдим. Эртаси куни онам Андижондан телефон қиляптилар...»



16

УЧИНЧИ

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

«Постга»
gazetasining ilovasi

TV OLAM

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа ранг-баранг материаллар билан танишасиз.

Хабарлар, воқеалар, янгиликлар

БЎҲТОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

Маълумки, кейинги пайтда чет эл оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет тармоқларида Ўзбекистонга нисбатан ноҳолис, бўҳтонлардан иборат маълумотлар тарқатилмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган мониторинг натижаларига кўра фақат сўнги уч ой ичида хорижий нашрларда эълон қилинган мамлакатимиз билан боғлиқ тўрт юздан ортиқ мақолаларнинг аксарияти ана шундай ахборотлар сирасидандир.

Ўзбекистон Республикаси

Ташқи ишлар вазирлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда бундай ҳолатлар муфассал баён қилинган ва хабарларга қандай муносабатда бўлиш лозим? Йиғилганлар эътибори ана шу масалага қаратилди. Қайд этилдики, тарқатилаётган миш-мишлар ва бўҳтонларга мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар ва турли соҳаларда

амалга оширилаётган кенг миқёсли ишларни ҳаққоний ёритиш, таҳлил қилиш орқали қажатқич зарба бериш мумкин. Шунингдек, бўҳтонлардаги матбуот хизматлари ёки шу соҳага маъсул бўлимлар, журналистлар бажариши лозим бўлган долзарб вазифалар белгиланди. Хусусан, хориж матбуотидан ўрин олган сохта маълумотлардан фарқли ўларок, жазони ижро этиш муассасаларида

маҳкумларга яратилган шарт-шароитлар, "Ҳизбут-таҳрир" ва бошқа диний-экстремистик оқимларга мансуб шахсларнинг ҳаёти, мамлакатимизга контрабанда йўли билан портловчи моддалар, курол-яроғ ва гиёҳвандлик воситалари кириб келишининг олдини олиш ҳамда бошқа мавзулардаги материалларни атрофлича ёритиш зарурлиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.

МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармасида Республика Ички ишлар вазирлиги, "Истиқболли авлод" нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамда Америка Қўшма Штатларининг Халқаро ривожланиш Агентлиги (ЮСАИД) билан ҳамкорликда "Шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одамларни ёллаб чет давлатларга олиб чиқиш ва (трафик) қарши фаолият" мавзусида семинар тренинг ташкил этилди.

Унда мамлакатимизда шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш ҳаракатларининг олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар муҳокама қилинди. Семинар тренингда ташкилотчилар билан бирга АҚШ элчихонаси сиёсий масалалар бўйича ходими Жон Мак Кейн, лойиҳалар бўйича ассистенти Динара Мирзакаримова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси халқаро ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Надежда Маслова, журналистлар иштирок этишди.

Ш. РЎЗИЕВ.

НАВОИЙДА АНЖУМАН

Навоий вилояти ИИБ ЙХБ-да Ўзбекистон Республикаси Худудига хорижий юк ташувчи транспорт воситаларининг кириши, бу ерда бўлиши, юк олиб ўтиши, шунингдек, ЙПХ ходимларининг хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда бошқа соҳалар вакиллари билан ҳамкорлигини яхшилаш юзасидан минтақавий семинар-кеңаш бўлиб ўтди. Унга Самарқанд ҳамда Бухоро вилоятлари ИИБ ЙХБ ходимлари ҳам тақлиф этилдилар. Семинар-машгулотни Навоий вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги А. Шакаров кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг республика ИИБ ЙХББ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги С. Азаматов четдан товар-моддий бойликларини ноқонуний олиб кирилишининг олдини олиш тадбирларини ўтказиш пайтида хавфсизлик-

ни таъминлаш борасида йўл-патруль хизмати ходимларининг вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Анжуманда Навоий вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи Н. Абдуллаев, вилоят ИИБ ХЧК ва ФБ бошлиғи, милиция подполковниги Ш. Эргашев, вилоят ИИБ ЭКО бошлиғи, милиция майори К. Эргашев ва бошқалар сўзга чиқишди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган кўпмаъража саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Тадбир сўнггида семинар иштирокчилари Навоий ва Самарқанд вилоятлари чегарасида жойлашган "Самарқанд" ЙПХ масканини кўздан кечиришди, Навоий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати кўмағида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

В. АШУРОВ, милиция катта лейтенанти.

ДИЛЛАРГА ЮРТ МЕҲРИНИ СИНГДИРИБ

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройига кўплаб қўшиқ шайдолари тўпланишди.

Республикаимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигига бағишланган "Ўзбекистон қўшиқ байрами" танлови якуний босқичи голибларини республика Маданият ишлари вазири Б. Қурбонов ва кўплаб таниқли санъаткорлар қутладилар. Қўшиқ байрами голиблари Самарқанд вилояти вакили Насиба Мирзохидова, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат уни-

верситетининг бадий жамоаси, Жиззахдан Наргиза Худойназарова, Сурхондарёнинг "Сурхон садоси" ашула ва рақс дастаси, республика Қуролли Кучлари марказий ашула ва рақс дастасининг етакчи хонандаси Камолитдин Раҳматов, Қашқадарё вилояти ашула ва рақс жамоаси, Сирдарёдан Баҳодир Хўжақулов, Ўзбекистон Миллий университети ба-

ддий жамоаси ҳамда бошқа кўплаб голиблар қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Пойтахтимизнинг М. Улугбек туманидаги мактаблардан бирининг 5-синф ўқувчиси Нодирбек Зоитов кўнғироқдек овози билан "Мен бахтнинг парвозиман" дея куйлаганда томоша зали қарсақлардан ларзага келди. Саҳнага ички ишлар идораларининг ижодий жа-

моалари ўртасида бўлиб ўтган "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловининг голиби, Хоразм вилояти ИИБ ЕХБ техника маркази бошлиғи Бахтиёр Раҳманов ҳамда бир гуруҳ – ички ишлар ходимлари қўтарилади. Тантанали марш-садолари янгради.

Минглаб қалбларни маҳв этган қўшиқлар, дилларга юрт меҳрини сингдира олган қўшиқчиларнинг ҳар бири голиб. Сабаби, юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Ватанни севиш, суйиб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир!"

Ш. ШЕРМАТОВА.

ЎН БЕШ ДАҚИҚАЛИ КУЗАТУВ

Қизилтепа туманидаги "Анор" ЙПХ масканида кечаю-кундуз иш қизгин, бир зум бўлсин қатнов, ҳаракат тинмайди. Қўшни Бухоро вилояти, Туркменистон, шунингдек, Эрон, Туркия каби хорижий давлатлар автотранспорт воситалари, фуқаролари, турли ҳажмдаги юклар ушбу маскан орқали ўтиб, мамлакатимиз пойтахтига ва бошқа шаҳарларига йўл олишади.

Ўн-ўн беш дақиқалик кузатувимиз давомида бу жойдан эллика яқин турли русумдаги машиналар ўтиб-қайтганига гувоҳ бўлдик. ЙПХ ходимлари ҳар қандай шароитда юртимиз тинчлигини таъминлашга, қонунсиз ҳаракатларнинг олдини олишга ҳаракат қилишяпти. Улар бу борада анча-мунча тажрибага эгадирлар.

Яқинда О. Б. бошқарувидаги "Нексия" русумли автомашина тўхтатилганда 600.000 сўмлик ҳужжатсиз радио-телефон олиб ўтаётганлиги аниқланди. Бошқа бир "Нексия" машинаси текширилганда тўрт нафар туркменистонлик фуқаро визасиз, яширин йўл билан Ўзбекистон ҳудудига кириб келаётгани маълум бўлди.

– Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин, – дейди ЙПХ катта инспектори, милиция лейтенанти Фуқрат Рўзиқулов. – Муҳими, бизга ишониб топширилган вазифани сидқидилдан бажариш, ишончли оқлашдан иборат. Бу борада ходимларимиз аҳиллик билан, қону тун иссиқ-совуққа чидаб, масъулиятни ҳис этган ҳолда хизмат қилишмоқда.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: (чапда) ЙПХ катта инспектори, милиция лейтенанти Фуқрат Рўзиқулов ва милиция катта сержанти Амин Ражабов ҳайдовчининг ҳужжатларини текширяпти.

Халқаро алоқалар

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКМАТ КЎП

Ўзбекистон Республикаси ИИБга Россия Федерацияси ИИБ хузуридаги Тергов кўмитасининг масъул ходимлари, адлия полковниклари Е. Милев ва М. Юдиналар ташриф буюришти. Ташриф икки мамлакат тергов идоралари ўртасида ҳамкорлик доирасида ва муайян жиноят ишлари бўйича амалий масалаларни ҳал қилиш мақсадида илгариги келишувлар асосида амалга оширилди.

Меҳмонларни республика ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Шарафудинов қабул қилди. У ўзаро суҳбат чоғида сўнги йилларда икки мамлакат ИИБ тергов идоралари ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганини таъкидлади, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлган республика тергов идораларида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида гапириб берди. Меҳмонлар жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгаришлар киритилганини қизиқиш билан тингладилар. Хусусан, томонлар ярашиб, етказилган зарар қопланганда жиноят ишининг бекор қилиниши, оилавий-маиший низоларни ҳал қилишда маҳалланинг роли ва обрўси юқори эканлиги уларнинг диққатини тортди.

Томонлар ўзаро фойдали алоқалар ривож топётганидан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Икки мамлакат ИИБ тергов идоралари ходимлари ўртасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўллари белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

Тошкентда "Халқаро меъёрлар ва стандартлар ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқлари" мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Уни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ), Халқаро турмалар ислохоти ташкилотининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) офиси ҳамкорликда ташкил этишди.



Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров анжуманни очар экан, ЕХХТ вакиллари билан сўнги икки йил давомидаги ҳамкорлик жуда самарали бўлаётгани, дунёдаги инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари жазони ижро этиш муассасалари ходимларига ўз билим ва тажрибаларини етказишга таъкидлади.

ЕХХТ/ДИИХБ вакиллари ҳам ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ИИБ пенитенциар хизматида қатор ижобий ўзгаришлар юз бергани, жумладан, маҳбуслар, ва маҳкумларнинг ҳуқуқлари таъминланиши борасида кўп ишлар қилинганини қайд этишди.

Тадбир қатнашчилари диққатига маҳкумлар билан муомала қилиш бўйича халқаро меъёрлар, стандартлар ва қоидаларга, халқаро ташкилотларнинг турли мамлакатлардаги, жумладан, Марказий Осиёдаги фаолиятга бағишланган маърузалар ҳавола этилди.

Семинар сўнггида иштирокчиларга ЕХХТ сертификатлари топширилди. Анжуман ишида ЕХХТнинг Тошкентдаги Маркази раҳбари А. Эрозан, ЕХХТ/ДИИХБ эксперти – Польша Пенитенциар хизмати директори ўринбосари М. Новак, ЕХХТ/ДИИХБнинг Марказий Осиёда қонун устуворлиги бўйича лойиҳаларни мувофиқлаштирувчиси Б. Кайнц, "Халқаро турмалар ислохоти" ваколатхонасининг минтақавий директори В. Ткаченко, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭБ штаби бошлиғи, ички хизмат полковниги М. Гуревич, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятидаги жазони ижро этиш муассасаларининг раҳбарлари, ходимлари ва бошқалар қатнашишди.

О. БУРЕНОВ, ички хизмат майори.

Тўйхат ўрнида

ЎЗБЕК МИЛИЦИЯСИНИНГ ОҚСОҚОЛИ

Истеъфодаги ички хизмат генерал-майори Тожитдин Жалиловнинг эл-юрт осойишталиги йўлидаги хизматларини бир-бир санаб ўтишга ушбу тўйхат имкон бермайди, албатта. Аммо у кишининг республика ички ишлар вазири бўлиб ишлаган кезлари милиция идораларини миллий кадрлар билан бутлаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш борасида қилган ишларини алоҳида таъкидлаш керак. Тожитдин ака ана шу мақсадда республикадаги раҳбарларини Тошкентда ҳам олий милиция мактаби ташкил этилишини сўраб марказга мурожаат этишга кўндирди. Сабъ-харакатлар зое кетмади. Аввалига ўрта милиция

мактаби негизда собиқ Иттифоқ ИИБ олий милиция мактабининг сиртки факультети ташкил этилди. 1964 йилда Т. Жалилов шу факультет бошлиғи этиб тайинланди. Кейинчалик факультет олий милиция мактабига айлантирилди. Тожитдин ака билим даргоҳига йигирма йил раҳбарлик қилди. Бу даврда таълим муассасаси ҳар томонлама ривожланди. Тингловчилар пухта билим олиши учун етарли шароитлар яратилди.

Айни пайтда республика ИИБ Академиясига айлантирилган бу даргоҳда ички ишлар идораларининг барча соҳалари учун етук мутахассислар тайёрланмоқда.

Т. Жалилов бугунги кун-



да мазкур Академиянинг давлат ҳуқуқи фанлари кафедраси профессори сифатида фаолият кўрсатяпти. У ҳуқуқшунослик илми бўйича кўплаб китоблар, дарсликлар муаллифи. Бу ажойиб инсоннинг билим ва тажрибаларидан баҳраманд бўлганларнинг кўпчилиги ҳозирда бошқаларга устозлик қилишяпти. Шунинг учун 85 ёшни қаршилаётган Тожитдин акани ҳеч муболағасиз ўзбек милициясининг оқсоқоли дейиш мумкин.

Гофуржон РАХИМОВ,
истеъфодаги милиция генерал-майори.

Фидойи ҳамкасбларимиз

Капалаклар гужгон ўйнаётган бедапояда югуриб юрган боланинг кулгуси шу қадр беғубор ва жарангдор-ки...

Бирдан қаттиқ гумбурлаган овоз эшитилади. Чанг-тўзон, ўқларнинг визиллаши, миналар портлаши қулоқни қоматга келтиради.

– Ҳайитбой ёрдам бер! – қичқирди кимдир.

– Ҳозир, кетаяпман, – у дори-дармон солинган сумкани олиб, ўша томонга шошади.



МАВҚЕИ БАЛАНД ТЕРГОВЧИ

– Холбоев, қаердасан?..

... Унинг тушларига бу манзара бот-бот киради. Йигирма йилдирки, Афғон тупроғида кечган жангу жадални унута олмайди.

Ҳайитбойга она юртига қайтиш насиб этди. У дўстлари билан яна туйиб суҳбатлашиш, Сирдарёнинг кумушранг сувларида сузиш, серкуёш далалар бағрида эркин нафас олиш бахтига мурасар бўлди. Аммо уни “Нега борган эдик бемақсад урушга? Не-не алп йигитларнинг бевақт сўнган умрига ким жавобгар?” – деган саволлар тинчлик бермасди.

У ҳуқуқшунос бўлишни орзу қиларди. Ҳарбий хизматдан сўнг, нияти қатъийлашди. Сабъ-харақати туфайли Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультети толиби бўлди.

Йиллар инсонни улғайтиришга хизмат қилади. У бугунги кунда навқирон авлодга устозлик қиладиган даражага етиб борди, десак муболаға эмас. Бунга иш жараёнида ортирган тажрибаси асқотмоқда. Дастлаб иш фаолиятини участка нозирлигидан бошлаган эди. Майда безорилик, ўғирлик каби жиноятлар, уларнинг сабабини аниқлаш ўзи-га хос изланувчанликни тақозо этади.

Милиция майори Ҳайитбой Холбоев Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимида, кейинроқ вилоят ИИБда катта терговчи бўлиб ишлаганида ҳам синчковлик, жиноят содир этилишининг асл моҳиятига эътиборни қаратишга ҳаракат қилди.

У ҳозирда Гулистон тумани ИИБ тергов гуруҳининг катта терговчиси лавозимида ишлаяпти. Ўз ишига фидойи, хушмуомала, ҳозиржавоблиги боис ҳамкасблари, фуқаролар хурматида сазовор.

Ҳайитбой бошлаган ишини ниҳоясига етказмагунча тинчимади. Далиллар етишмаслиги туфайли туманининг “Янги ҳаёт” ширкатлар уюшмасидан бундан икки йил муқаддам ўғирлаб кетилган “Т-28” русумли трактор ўғирлари топилмай қолганди. Изланувчан терговчи бу ишни ҳам ниҳоясига етказди. Тракторни Э. Б. ҳамтовоқлари билан Тожикистоннинг Зафаробод туманида яшовчи кимсаларга пуллаб юборишган экан.

Ҳайитбой хизматда ҳали-ҳамон жангчилардек тартибли, шахт ва ўзгача ғайрат билан ишлашни ёқтиради. Турмушда эса хушчақчақ, ҳазилкаш. Муҳими, жамоада ўрни, хизматдошлари орасида эса мавқеи баланд инсон.

Баҳринисо НОРЖИГИТОВА.

Термиз шаҳар ИИБ раҳбарияти милиция ходимларининг маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда ишлашига катта эътибор бермоқда.

Суратда: шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Ҳайитмурод Давлатов (чапдан иккинчи) маҳалла фаоллари билан суҳбатлашмоқда.

О. ТУРДИЕВ
олган сурат.



Хориж тажрибасидан

Шу йил республика ИИБ, МХХ, ДБҚ вакиллари билан иборат делегация Халқаро Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясининг 39-сессиясида иштирок этди. 16 кишилик делегация таркибида мен ҳам бор эдим. Икки ой давом этган сессия биз учун авваламбор хорижлик ҳамкасбларимиз тажрибасини ўрганиш нуқтаи назардан фойдали бўлди. Анжуманда АҚШ, Германия, Венгрия, Италия, Голландия ва Буюк Британия вакиллари ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Энди АҚШ ва Европа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусан тергов хизматлари фаолиятининг диққатга сазовор жиҳатларига тўхталсам. Хорижда тезкор суриштирув ва тергов билан бир шахс шуғулланар экан. Яъни, унинг ўзи биздаги тезкор ходим ва терговчининг вазифасини бажаради.

Тезкор-тергов жараёнида шахснинг эркинликлари ва қадр-қиммати ниҳоятда хурмат қилинади. Бу авваламбор полициячининг фуқаролар билан муомаласида кўзга ташланади. Полиция ходими гумонланувчининг барча ҳуқуқлари, хусусан химоя ҳуқуқи таъминланишига катта эътибор беради.

Юқорида айтганимдек, бир кишининг ўзи тергов-тезкор ишларни олиб боргач, ундан жисмонан чиниққан бўлиш ва ўқотар қуролдан мураккаб вазиятларда усталик билан фойдаланиш талаб этилади. Бу талабларга жавоб бермайдиган ходим хизматдан четлаштирилиши ҳам ҳеч гап эмас. Ўзимиз қатнашган сессия даврини оладиган бўлсам, биз билан ҳафтасига уч марта жисмоний тайёргарлик машғулоти ўтказилди. Бундан ташқари, Академиянинг спорт зали ҳар куни соат

ҳатто гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус дастур мавжуд. Унда ҳаёти хавф остида қолган гувоҳни давлат ҳисобидан қўриқлаш, хавфсиз худуддан уй-жой билан таъминлаш, ҳатто ташқи қиёфасини ўзгартириш (пластик жарроҳлик), ҳужжатларини алмаштириб бериш, яъни исм-шарифини ўзгартириш кўзда тутилган.

Полициячилар юқори сифатли

ши мумкин. Гумонланувчини ҳибсга олиш ва шунга ўхшаш эҳтиёт чоралари бўйича санкцияни судья беради.

Гиёҳвандликка қарши кураш борасида ҳам ўрганадиган жиҳатларимиз анчагина. Уларда гиёҳвандга бемор сифатида қараш жамоатчилик онгига сингдирилган. Шунинг учун аксар гиёҳвандлар, уларнинг яқинлари биздагига ўхшаб буни яширишмайди.

аниқлайдиган махсус техника ҳам ўта ривожланган.

Чет эллик ҳамкасбларимизнинг бизга ҳаваслари келган ўринлар ҳам бўлди. Аксар хориж мамлакатларида ўқотар қуроллар эркин савдода бўлгани учун, у билан боғлиқ фожиалар ҳам юз бериб туради. Ўтган йили Вашингтонда мерган-қотил ўндан ортиқ беғуноқ кишининг ҳаётига зомин бўлганини эсланг. Ёки яқинда Чарльстонда ҳам шундай ҳодиса қайд этилди. Улар терроризмга қарши кураш борасида ҳам бизнинг тажрибамиз катталигини тан олишди.

Компьютер технологияси билан боғлиқ жиноятлар (хакерлик) улар учун одатий ҳолга айланиб бормоқда. Мамлакатимизда компьютерлаштириш жадаллик билан бораётганини ҳисобга олиб, биз ҳам олдиндан бундай жиноятларга қарши курашишга шай бўлишимиз лозим.

Бир мақола доирасида ўрганган тажрибаларимиз ҳақида тўхталишни имкони йўқ, албатта. Аммо бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Юртимиз тобора жаҳон ҳамжамияти билан уйғунлашиб бораётган экан, бундай ўзаро тажриба алмашинувлар, ҳамкорлик фойдали бўлиши шубҳасиз. Анъанани давом эттириш давр тақозосидир.

Илҳом ТУРҒУНОВ,
республика ИИБ Тергов бош бошқармасининг тергов фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат этиш ва ахборот таҳлил таъминоти бошқармаси катта терговчиси, милиция майори.

Суратда: Халқаро Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси сессиясида қатнашган Ўзбекистон делегацияси аъзолари.

ДАВР ТАҚОЗОСИ

6.00 дан 22.00 гача очик бўларди. Турли қутилмаган, ноқулай, қийин ҳолатларда ўқотар қуролдан фойдаланишни машқ қилдик. Бунинг амалий фаолиятда катта нафи тегади, албатта.

Хорижда аҳолининг жиноятларни фош этишда, олдини олишда полицияга кўмаклашуви ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. АҚШда

махсус воситалар ҳамда транспорт билан таъминланган. Улар компьютер орқали қисқа вақт ичида қимматли маълумотларга эга бўла олишади.

Хорижда терговчиларнинг мустақиллиги масаласида мўаммо йўқ, дейиш мумкин. Улар қонунни бузган тақдирдагина прокурор ёки бевосита бошлиқ томонидан тартибга чақирилиши, жазолани-

Масалан, Голландияда ушбу касалликка чалинганлар ОИТС, тери-таносил хасталикларини юқтирмасликлари учун бепул бир марталик шприцлар тарқатилади. Айни пайтда гиёҳвандликнинг зарарли, аянчли оқибатлари кўпчиликка таъсирчан шаклларда етказилади.

Турли контрабанда маҳсулотларини жиноятчилар транспорт воситалари ҳамда таналарининг қаерларига яшириши мумкинлиги бўйича ҳам сессия чоғида қизиқарли маълумотларга эга бўлдик. Улар ўз сафларига коррупцияга берилганлар учраб туришини, бундайларга қарши қандай курашишларини айтиб беришди.

Бизга маълум бўлган яна бир жиҳати – ҳар қайси полиция идорасида руҳшунос фаолият кўрсатар экан. Изқувар-терговчи ундан истаган пайтида руҳий ёрдам олиши мумкин.

АҚШ ва Европада қалбаки пулларни муомалага киритишга уриниш тез-тез учрайди. Шунинг учун мазкур мамлакатларда буни



31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

Янги совет тузумини мустақамлаш халқпарвар инсоний тамойиллар асосида эмас, аксинча алдов, қўрқитиш, зулм ва зўравонлик билан амалга оширилди. Қонли совет тузумининг ўзбек халқига келтирган жабру жафоси — йўқотишлар ҳақидаги минглаб саҳифалар тарих қатларида ҳануз сарғайиб ётибди. "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг ташаббуси билан ёзилган "Қор қўйнида лолалар" (Тошкент — 2001. "Академия") китобида ўзбек хотин-қизларининг кўзга кўринган, сара қатлами, шунингдек, оддий уй бекалари бўлмиш аёллар қатагон йилларида отиб ташлангани, совуқ ўлкалардаги лагерларга юборилгани илк бор ҳолислик билан, очиқ-ойдин баён этилади.

ЭНГ БАХТЛИ ВА... БАХТСИЗ ОНА

1937 йилнинг бошида махфий идоралар Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаевнинг оила аъзолари — яқинларини рўйхатга олишди. Ўн беш кишининг исм-шарифи, ёши, манзили рўйхатга қайд этилди.

Райхон Саидмурод қизи (Хўжаева) номи рўйхатга тўртинчи бўлиб ёзилди. Ўғли Файзулла "халқ душмани" сифатида ҳибсга олинганча энг бахтли она, бахтли аёл эди. У илгари Бухорои шарифнинг энг бадавлат киши — миллионер савдогар Убайдулла-хўжанинг рафиқаси бўлса, кейинчалик кимсан — Файзулла Хўжаевнинг онаси бўлиб Тошкентда яшарди.

22 сентябрь куни унинг хонадонидан НКВД ходимлари томонидан тинтув ўтказилди. Шу кундан бугун бошли оила, айниқса, Райхон ая, келини Малика ва невараси Вилоятнинг қора кунлари бошланди. Кексайган чоғида унга бундай тақдирни ким раво кўрди? Ўғли Файзуллами, инқилобми ёки тақдирми?

Етмиш икки ёшли аёл (кечагина Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаевнинг онаси) бугун Тоштурмада қийноқларга гирифтор

бўлиб, ўзи яхши англамаган, билмаган, биллолмаган воқеалар гирдобиди қолса?

Сиёсатдан узоқ, умр бўйи оилавий ҳаёт билан банд кекса Райхон аяни қамоққа олиб, раҳмсизларча жазолашди. Бу ёвузликдан бошқа нарса деб бўлмади. Ўша машъум кунларда Райхон Хўжаева ўзи эмас, ўн олти ёшли невараси Вилоят, келини Малика, қизи Робия учун куйди, уларнинг гамида адо бўлди. Москвада ҳибсга олинган (1937 йил 9 июль) ўғли Файзулланинг доғини кўтаролмади. У йўл излашга, чора топишга ожиз эди. Шу тахлит осмондан ерга улоқтирилган Файзулла Хўжаевнинг онаси тақдирнинг бу кўргулигини бошга тушган тош каби қаршилади, ётиб қолди...

Ниҳоят уни 1937 йилнинг 25 октябрь кунда илк бор (ва охириги марта) сўроққа чақирдишди. Етмиш икки ёшли Райхон Хўжаевага "ўғли халқ душмани" Файзулла Хўжаевнинг фаол аксил-инқилобий миллатчилик фаолияти"ни била туриб, совет ҳокимияти органларидан яширган" деб айб кўйилди. Саводсиз, бемор аёлнинг терговчиларига нима деб жавоб бергани фақат худода аён, лекин шундай бўлса-

да, улар сўроқ қайдномасини ўз истакларига мос тарзда тузишганига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Остига Райхон Хўжаева бош бармоғининг излари тушган ушбу қайднома мудҳиш 1937 йил хужжатларидан бири сифатида тарих саҳифаларида қолди:

Савол: — Сиз халқ душмани Файзулла Хўжаевнинг онаси бўласиз, шунингдек, сиз Файзулла Хўжаевнинг миллатчилик аксил-инқилобий ташкилотининг аъзоси бўлганини ҳам биласиз.

Хўжаев, Мўминжон Аминов, Мухторжон Саиджонов, Фитрат, Саттор Хўжаев ва бошқалар қатнашишган.

Жавоб: — Ҳа, тўғри. Юқоридан саналган шахслар бизнинг уйимизда тез-тез йиғилиб туришган, аммо уларнинг бирортаси менга ҳеч нарсани айтмагани учун қандай масалаларни муҳокама қилганларини билмайман.

Савол: — Сизга халқ душмани, ўғлингиз Файзулла Хўжаевни ўз панҳингизга олганингиз ва унинг жиноий фаолиятини

Хўжаев, Муса ва Мухтор Саиджоновлар, Абдурашид Мукамилов, Бурхонов ва ўзига-ўзи суиқасд қилиб ўлган Ибод Хўжаев билан яқин алоқада бўлган". (Юқоридаги тўплам — 182-183 бетлар).

Совет ҳокимияти учун, инқилоб ва юрт истикболи, халқ учун отасидан қолган бутун бойликни аямай давлатга топширган ўғли Файзуллани халқ душманига чиқазиб, оиласини қамоққа олишларини онахон тушунмади. "Нега, нима учун?!" деган оғриқли саволга жавоб топа олмайди.


Ниҳоят, 1938 йил 2 май куни кекса, касалванд Райхон Хўжаевнинг тақдирини ҳал бўлди: "СССР НКВДси қошидаги Алоҳида Мажлис уни ижтимоий хавфли унсур сифатида 5 йил муддатга "меҳнат ахлоқ тузатув лагерига юбориш" ҳақида ҳукм чиқарди.

Қаранг, Совет ҳукумати 72 ёшли кампирни ғоявий тузатмоқчи, қайта тарбиялаб тавбасига таянтироқчи. Қайси мантиққа кўра бундай ҳукм, бундай ҳулосага келиш мумкин? Беш йиллик жазо, беш йил туғилиб ўсган гўшаси, қариндош-яқинларидан ажралиб сургунда юриш... Бундай жазо қай бир гуноҳи учун берилди экан?

Райхон ая то сўнги кунигача буни биллолмай армонда кетди. Ўша машъум лаҳзаларда Райхон Хўжаева худодан ўзига ўлим сўраганмикан? Уни Қарағандадаги хотин-қиз жиноятчилар лагерига йўллашнинг иложи бўлмади. Онахон ётиб қолди. Шундай қилиб бир пайтлар энг бахтли она ҳисобланган Райхон ая — ўзбекнинг чигалмураккаб тақдирли, ҳаёти фожиатўла, бахтсиз, алданган, хўрланган раҳбарнинг бахтсиз онаси қамоқхона касалхонасида жон берди.

Ражаббой РАУПОВ.

Суратда: Ф. Хўжаевнинг инқилобгача онаси билан Бухорода яшаган уйи.



Жавоб: — Ҳа, мен, Хўжаева Райхон, эндиликда фожия этилган халқ душмани Файзулла Хўжаевнинг онасиман. У менинг туққан ўғлим бўлади. Мен у билан бирга яшадим, аммо унинг советларга қарши аксил инқилобий ишларидан хабарсизман ва ўғлим Файзулла Хўжаевнинг аксил-инқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганини билмаганман.

Савол: — Ёлгон кўргазма беряспиз. Сизнинг уйингизда миллатчи аксил-инқилобчиларнинг йиғинлари бир неча марта бўлиб ўтган ва уларда Ота

яширганлигингиз учун айб кўйилмоқда.

Жавоб: — Менга кўйилган айбонма бўйича ўзимни айбдор, деб ҳисобламайман. Негаки, ўғлим Файзулла Хўжаевнинг жиноий фаолияти ҳақида ҳеч нарсани билмайман.

Савол: — Ўғлингиз Файзулла Хўжаевнинг аксил-инқилобий алоқалари тўғрисида кўргазма беринг.

Жавоб: — Ўғлим Файзулла Хўжаев халқ душмани сифатида яқинда қамоққа олинган Ота Хўжаев, Мўминжон Аминов, Саттор

Маънавий — сиёсий тайёргарлик машғуллари гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

ҒАЛАБА ОМИЛИ

Бугунги кунда Ички кўшинлар олдида Ватан мустақиллигини халқаро терроризм ва диний экстремизм хуружидан ҳимоя қилиш, кўп миллатли халқимизнинг тинч-тотув ҳаётини муҳофаза қилиш вазифаси турибди.

1999-2000 йилларда республикамиз тоғли ҳудудлари (Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Бўстонлик, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун туманлари) да бўлиб ўтган жанговар ҳаракатлар ҳозирги замон жанги олдингиларидан тубдан фарқ қилиши, шахсий таркибдан мунтазам ўз устида ишлаш, жанговар маҳорати, билим ва савиясини ошириб бориши, ҳар қандай шароитда доимий жанговар тайёргарликни талаб этишини кўрсатди.

Дарҳақиқат, у жанговар шароитнинг ўзгаришларга бойлиги ва кескинлиги, жанговар ҳаракатларда катта бўлмаган гуруҳлар (3-20 кишигача) қатнашиши, тўсатдан бошланиб тез тасом бўлиши, террорчилик кўринишида кечиши ва тоғ-

ли ҳудудларда бўлиши билан характерланади.

Бундай шароитларда шахсий таркибнинг моҳирона, ташаббускорлик билан ҳаракат қилишга тайёрлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун жангчиларда юксак жанговар фаоллик, коммандир буйруғини сўзсиз бажариш ҳамда муқаддас ерларимизга тажовуз қилган душманларни янчиб ташлашга интилувчанлик руҳини шакллантириш жуда муҳимдир.

Жанговар ҳаракатларнинг кенг қулоқ ёйиши, тоғ сўқмоқларида юриш, оғир юкларни ташиш, кундузги жазирамага, тунги совуқларга ва шу каби бошқа қийинчиликларга бардош бериши шахсий таркибдан чидамлик, чиниқчанликни талаб қилади. Шу ўринда гуруҳ раҳбари ИИВ Ички кўшинлари фаолиятдан мисоллар келтиради.

Жангчиларнинг замонавий ҳарбий техника ва курол-аслаҳаларнинг тавсифи, жангда улардан фойдаланиш услуб ва жиҳатларини яхши билиши ҳам тақозо этилади. Ҳозирги за-

мон жанги, юқорида таъкидлаганимиздек кўп ҳолларда баланд тоғли ҳудудларда бўлмоқда. Бундай шароитда душманнинг сўқмоқлар оша, ғор ва қоялар орасидан қидиришга тўғри келади. Агар бирор жангчи билим савияси пастлиги, иродасизлиги туфайли хатога йўл қўйса ва куролдош шерикларидан ажралиб қолса, бу гуруҳнинг жанговарлик қобилияти пасайишига олиб келиши мумкин (мисоллар келтирилади).

Ватанимиз жангчилари мард, жасур, қаҳрамонликка шай, дадил ва мустақил ҳаракат қила оладиган, ташаббускор, жанговар фаол, интизомли бўлишлари лозим (ҳар бир сифат гуруҳ раҳбари томонидан тўла ёритиб ўтилади). Жангчиларнинг муҳим жанговар сифатларидан яна бири хушёрликдир. У жангчининг сиёсий зийралигида намоён бўлади.

Гуруҳ раҳбари мавзу бўйича сўзини яқунлар экан, ўзининг маънавий, жанговар ва руҳий сифатларини қатъий шакллантириш ҳамда такомиллаштириш ҳар бир аскар, сержант, шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчи ва офицернинг бурчи эканлигини таъкидлайди.

Республика ИИВ Ички кўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.

Маърифат дарси

Зиёли инсон деганда кўз олдимизга илмли, оқ-қорани таниган, бирор мутахассисликни пухта эгаллаган, жамиятда ўз ўрнини топган киши келади. Зиёли кишилар азалдан ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлганлар. Бинобарин, улар маърифатли ва жамиятнинг илғор киши сифатида ҳурмат қозонишган.

Ҳозирги кунга келиб зиёли кишилар кўпчиликни ташкил этади. Олий ўқув юртида таҳсил олиб, у ёки бу мутахассисликни эгаллаган кишини зиёлилар қаторига қўшиш мумкин. Бирок, уларнинг ҳаммаси жамият тараққиётида ўз номига муносиб тарзда иштирок этипти, деб бўлмайди.

Зиёлини маърифатли инсон, дедик. Маърифат чашмаларидан баҳраманд бўлиш, илм-фан соҳасини пухта эгаллаш, етук мутахассис даражасига етиш машаққатларни енгиш осон эмас. Бу йўлдан боришга жазм қилган киши эса ҳаёт мактабидан ҳам сабоқ олади.

Қўлида дипломи бор, кўчада башанг кийиниб юрган киши зиёлига айлиб қолмайди. У маданиятчи ҳам бўлиши керак. Шарқ маданиятининг ўзига хос томонларини ҳар қанча

ЗИЁЛИ ИНСОН МАСЪУЛИЯТИ

ўрганса ва ўрнат олса арзийди. Миллий қадриятларимиз мужассамланган маданиятни эгаллаган ҳар бир киши, жумладан зиёли жамиятнинг илғор вакилига айлиниши шубҳасиз.

Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган зиёли ходимлар ўз истеъдоди, ишга бўлган муносибати, муомаласи, инсоний фазилятлари билан ажралиб туриши зарур. Ходимлар касб маданиятини улардан ўрганиши, эргашшилади. Шундай экан шахсий таркиб ўртасида тартиб-интизом мустақам бўлишида зиёли ходимларнинг ўрни катта.

Зиёлилар жамиятда илғор бўлишлари лозим, дедик. Улар омма ўртасида ҳурмат-эътибор қозонишсагина кўпчилик маслаҳатларига қулоқ тутати.

Дунёда рўй бераётган воқеалар, айниқса, диний экстремистик хуружлар бўлиб, террорчилар хавф солиб турган ҳозирги кунларда зиёлилар зиммасида катта масъулият борлигини унутмаслик керак. Динни никоҳ қилиб, фуқароларни ўз манфаатлари йўлида турли жиноятларга бошлайётган ақидапарастлар-

нинг машъум ниятлари, террорчилик оқибатларини фуқароларга тушунтириш, уларни ана шу иллатлардан огоҳлантириш, айниқса, ёшлар ҳуқуқбузарлик кўчасига киришларига йўл қўймаликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига ёрдам бериш ҳар биз зиёлининг бурчидир.

Яқин кунларда мамлакатимизда мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги кенг нишонланади. Асрлар бўйи орзу қилинган истиқлолга эришишнинг аҳамиятини батафсил тушуниб етмаганлар қалбидан миллий ифтихор, туйғуларини уйғотиб, Ватанни, миллатни, халқни севиш, унга хизмат қилишга ундашда зиёлилар олдинги сафда бўлишлари зарур.

Маҳаллаларда бундай инсонларга ҳавас билан қарашиди, ўғлим ёки қизим уларга ўхшаса, дея ният қилишади. Жамиятимизда оқил, доно, маданиятли кишилар кўплиги боис, юртимиз обод, эл фаровон. Яна қувончли томони, маънавият ўқсалиб, маърифат ҳаётимизга чуқур сингиб бораёпти.

UCHINCHI

«Поетга»
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV OLAM

Гаройибот

1759 йил июлининг иссиқ кечасида швед шахри Геттерборгдаги Вильям Кастеля исмли савдогар уйда зифат бераётганда ғалати воқеа юз берди. Ўн еттита меҳмон йиғилган ошхонада хурсандчилик ҳукм сураб, қувноқ кулгу, пичоқ ва вилкаларнинг жаранглаши эшитиб турарди. Кутилмаганда меҳмонларнинг бири, олим сифатида танилган 71 ёшли Эмануэль Сведенборг идишни олтидан четга суриб, ранги оқарганча ўрнидан туриб кетди. Сухбат тўхтади, хонага оғир жимлик чўкди. Сведенборг бетоқат бўлиб ташқарига чиқди. Меҳмонлар ҳайратдан бир-бирларига қарашарди.

Орадан бир неча дақиқа ўтган, олим яна останада пайдо бўлди. "Стокгольмда ёнгин бошланди! — деди у тушкун кайфиятда. — Олов яқин атрофдаги уйлари ёндириб бўлиб, энди меникига яқинлашяпти". Ушбу алаҳсирашга ўхшаш гаплар вазиятни унчалик ойдинлаштириб бермади. Меҳмонларнинг ҳеч қайсиси Сведенборг қандай қилиб шаҳардан уч юз миль нарида жойлашган Стокгольмда рўй берган ёнгин ҳақида билганини тушуна олмасди. Балки бу фақатгина бир неча рюмка спиртли ичимликдан эси айниган қариянинг хаёлластлиги бўлгандир?

Уй эгаси меҳмонни қўлидан келганча тинчлатириб, бошқалардан овқатланишда давом этишни сўради. Аммо кеча давомида Сведенборг яна бир неча бор безовталанди, авзойи ўзгариб, у ёқдан-бу ёққа бориб келди. Фақатгина кечки соат саккизда олим бирдан: "Худога шукур! Ёнгинни ўчиришибди. Уйимга ҳеч нарса қилмабди", — деб ёнги нафас олди.

Эртаси куни Эмануэль Сведенборгнинг ғалати хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги гаплар бутун Стокгольмга тарқалиб кетди. Кўпчилик буни қариликдаги тентакликка йўйишди. Кечки пайт Стокгольмдан чопар келиб, шаҳарни қамраб олган ёнгин ҳақида хабар берганда ҳамма ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Унинг сўзларига қараганда, оловни кечки соат саккизда ўчиришганди.

Швед олими ва диншуноси Эмануэль Сведенборг шахсиятига бизнинг кунларда ҳам сирли деб қарашади. У 1688 йил 29 январда Стокгольмда дунёга келиб, 84 ёшида Лондонда вафот этган.

Эмануэль руҳонийлар оиласида туғилиб, дастлаб уйда таҳсил олди, кейин эса Уппсаль университетига қадимги тиллар, фалсафа, тарих, ҳуқуқ ва табиий фанларни ўрганди. Ҳали жуда ёш бўлишига қарамай, Сведенборг Тоғ бошқармасида шахта инспектори бўлиб хизмат қилди. Ўз вазифасини шу даражада яхши бажардики, қирол Карл XII уни муҳандислик бўйича маслаҳатчи этиб тайинлади. Монарх ёш олим томонидан тайёрланган механизмлар чизмаларини қизиқиш билан ўрганарди. Уларнинг орасида қуруқликда, сувда ва ҳатто ҳавода ҳаракатланувчи машиналарнинг эскизлари бор эди. Бундан ташқари, Сведенборг буг қозони, пневматик милтиқ ихтиро қилди ва каналлар ўтказишнинг янги технологиясини таклиф этди.

Эмануэль 46 ёшида Петербург Фанлар академиясининг фахрий аъзоси бўлди. Олимга 1734 йили ёзилган "Фалсафа ва минералогия бўйича ишлар" китоби жуда катта шуҳрат келтирди. Унинг бутун илмий мероси эса 50 жылдан иборат бўлиб, улардан йигирмата математика ва астрономияга бағишлан-

ган. Шунингдек, унинг анатомия ва геометрияга бағишлаган ёзган китоблари ҳам бўлган. Замондошлари Сведенборгни жуда ишбилармон, ҳаётга реал қарайдиган ва ҳар қан-

Кейинроқ Сведенборг шундай ёзади: "Худди шу тунда менинг ички кўзим ҳам очилди, руҳлар олами, осмон ва дўзахда яшовчиларни кўриш имкониятига эга бўлдим. Шундан кейин дунёвий фанларни ўрганишни бутунлай тўхтатиб, ўзимни фақатгина руҳий етуқликка бағишладим ва Худонинг ўзи менга куч ато этди".

Олий кучларнинг хоҳишига қулоқ солдиган Сведенборг илоҳий китобларни асл нусхада ўқиш учун яҳудий тилини ўргана бошлади. Бунга у икки йиллик умрини сарфлади. Муқаддас ёзувларни ўрганиб чиқиб, уларда ўзининг яратажак таълимоти учун асос мавжудлигини тушунди.

Сведенборг таълимоти руҳнинг абадийлиги ҳамда нариги дунёнинг мавжудлигига асосланади. Унинг

кўради. Зеро бу "кулга айланган шаҳарлар, балчиқ мамлақати"дир. Шуниси қизиқки, гуноҳкорлар у ерда жуда яхши яшашади, фақат ўша ердагина улар ўзларини ҳақиқатан бахтиёр ҳис қиладилар. Шундай ҳам бўладики, томирлариди шайтон қони оққан одам адашиб, ўзига жаннатни танлаб, кейин у ерни тарк этиб, жаннамга йўл олади.

Жаннатни маънавияти юксак инсонлар танлашади. Сведенборгнинг фикрига кўра, айнан улар ушбу муҳаббат ва меҳнат маконига боришади. Узининг "Осмонлар, руҳлар олами ҳамда дўзах ҳақида" номли китобида у нариги дунёда бўладиган барча ходисаларни батафсил тасвирлаб беради. Ўша ерда мавжуд бўлган ижтимоий қатлам, нариги дунёда яшовчиларнинг машғулотла-

нима ҳақида гаплашётганини тушунишга ожиз бўлсанг, наҳотки осмон, яъни жаннат учун муносиб бўласан?

Умрининг сўнгги ўттиз йилида Сведенборг жаннат ва дўзахда яшовчилар билан гаплашган. Унинг хизматкорлари бундай бир неча сухбатларнинг гувоҳи бўлганликларини айтишган. Аммо у ҳеч ким билан ушбу сухбатлар мазмунини муҳокама қилмасликни афзал кўрган: нариги дунё ҳақида билишга муваффақ бўлган барча маълумотларни у ўз китобларида баён этган. Кўрган ва эшитганларини ўзига хос услубда ёзади. Бу кўплаб узоқ мамлакатларга саёҳат қилиб, ўз фикрини ҳеч кимга ўтказишга ҳаракат қилмасдан, фақатгина кўрганларини ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган сайёҳнинг хотира-ларига ўхшайди.

1745 йил кечаси юз берган воқеадан бироз вақт ўтгандан кейин Эмануэль Сведенборгга башоратчилик қобилияти пайдо бўлди. Бунга мақоланинг бошида келтириб ўтганимиз — ёнгин мисол бўла олади. Анча машҳур яна бир воқеа голландиялик элчи граф Мартевилнинг тўсатдан Стокгольм саройида вафот этишидан кейин рўй берган. Улимидан бир оз вақт олдин граф мебель сотиб олиб, унинг пулини ҳали бутунлай тўлаб улгурмаган эди. Унинг ўлимидан кейин тез орада сотувчи мурожаат қилди. Унинг сўзларига қараганда, мебели учун умуман пул олмаган эмиш. Ҳали эрининг ўлимидан кейин ўзига келиб улгурмаган бечора аёл марҳумнинг тўловни тасдиқловчи ҳужжатни қаерга қўйганини билмас эди. Умидсизликка тушган бева Эмануэль Сведенборгга мурожаат қилди. Ўша пайтларда унинг марҳумлар билан мулоқотга кириша олиши ҳақида миш-мишлар юрарди. "Агар одамлар сиз тўғригина ҳақиқатни гапирётган бўлишса, эримдан тўлов қозғазари қаердалигини сўраб беринг, илтимос!" — дея йиғлаб ялинади аёл. Сведенборг бундай илтимосларни бажаришни хуш кўрмасди, лекин бу сафар бечорага раҳми келиб, йўқ дея олмади. Орадан бир неча кун ўтиб, Сведенборг беवानинг олдига келиб шундай деди: "Эрингиз менга яқин орада қозғазаринг қаердалигини ўзи кўрсатишини айтишимни буюрди". Бир неча кундан кейин аёл туш кўради, тушида марҳум эри ҳужжатлар ётган жойни унга аниқ кўрсатади. Бундан ташқари, у хотинининг узоқ вақт йўқолган деб юрган жавоҳир тўғноғинини ҳам топиб беради.

Кекса олимнинг ноёб хусусиятлари ҳақида эшитган швед қироличаси Луиза Ульрика бунга шахсан ўзи амин бўлиши учун уни саройга таклиф қилди. У Сведенборгдан марҳум акаси Вильгельм билан сўнгги бор учрашганда нималарни гаплашганини билишни сўради. Сухбат нима ҳақида бўлганини қиролича ва унинг акаси-дан бошқа ҳеч ким билмасди.

Бир неча кундан кейин Сведенборг қироличага нафақат улар нима ҳақида гаплашишгани, балки сухбатнинг қандай шароитларда ўтганини ҳам айтиб беради. Луиза Ульрика шу даражада ҳайратга тушадики, ҳатто хушидан кетади. Эмануэль Сведенборг ўз вафоти кунини ҳам башорат қилади. У нариги дунёга равона бўлишидан бир оз вақт олдин хузурига дўстларини таклиф қилиб, уларга бутун ҳаёти давомида бирон марта ҳам ёлгон сўзламагани, ёзмаганини айтади.

Хорж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ФАРИШТА ВА ШАЙТОНЛАР БИЛАН ГАПЛАШГАН КИШИ



Эмануэль Сведенборг

дай сирли нарсалардан йироқ деб ҳисоблашарди.

Лекин унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборган воқеа, Сведенборгнинг ўз кундалигида ёзишча, 1745 йил содир бўлган. Бундан бир оз вақт илгари у қандайдир бесаранжомликни ҳис қилиб, шахвоний тушлар кўра бошлади. Кейин эса... Балки кимдир Сведенборгни ақлдан озган деб ҳисоблар...

Апрель тунларидан бирида уйига қайтаётган олим Лондоннинг бўм-бўш кўчаларида кетаётиб тўсатдан орқасидан кимнингдир қадам товчуларини эшитиб қолади. Нотаниш киши жимгина унинг кетидан келарди. Сведенборг хонасига киргач, тунги ҳамроҳи ҳам шу ердалигини ҳис қилади. Ҳайрат билан берилган саволга у "Мен Исо Масихман! Сен гуноҳга ботган, эътиқодини йўқотиб, аросатда қолган одамларни иймонга қайтаришинг керак. Черков кулаш хавфи остида. Сен янги Куддус черковини яратишинг керак", — деди. Нотаниш киши энди Эмануэлни руҳи жаннат ва дўзахга саёҳат қилиб, фаришталар ва шайтонлар билан сухбатлаша олишини айтади. Бундан ташқари, у олимга Инжилни ўрганишни буоради.

фикрича, инсон ҳаётдан кўз юмгач, эрку иродасини йўқотмайди. Дастлаб у ҳатто ўлганини тушуниб етмайди, чунки теварак-атрофидаги ҳеч нарса ўзгармайди — худди ўша кўчалардан юради, ўша уйда яшайди, олдига худди ўша дўстлари келади. Лекин вақт ўтиши билан ўлган одам атрофидаги рангларнинг ёрқинроқ, туйғуларнинг эса кучлироқ бўлиб қолганига аҳамият бера бошлайди. Ҳаёти тўлақонлироқ, бошқача қилиб айтганда, таъсирчанроқ бўлиб боради. Инсон ҳақиқий ҳаёти энди бошланаётганини тушуниб етади.


Шундан кейин бир оз вақт ўтган фаришта ва шайтонларни кўра бошлайди. Сведенборгнинг ёзишча, фаришта ва шайтонлар — бу ўлган одамлардир. Инсон улар билан гаплашиб, муайян вақт ўтган ўзи учун жаннатда ёки дўзахда яшашни маъқуллиги ҳақида қарор қабул қилади. Инсоннинг ирода эркинлиги деб ана шу тушунилади. У ўлимидан кейин дастлаб жаннат ва дўзахнинг ораси — руҳлар маконига тушади. Бу ерда ўлган одамларнинг руҳлари яшаб, фаришта ва шайтонлар билан сухбатлашади. Инсон руҳлар маконидан жаннат ёки дўзахга ўтиши ҳал қилинган орадан кўп вақт ўтиши мумкин. Охири у "дидига тўғри келадиган жой"ни танлайди. Агарда ҳаёти давомида иғво-найранг ва ёвуз ишларни қилган бўлса, у дўзахни маъқул

ри ҳақида ҳикоя қилади. Шу билан бирга қиссалар шундай ёзилганки, олим ҳеч кимни ҳеч нарсага ишонтиришга, даъват этишга ҳаракат қилмаётганлиги аниқ бўлади. У фақат ўз кўзлари билан кўрганларини ҳикоя қилади, холос.

Сведенборг бир дарвиш қиссасини жуда қизиқарли қилиб тасвирлаган. У ўлгандан сўнг жаннатга тушиш учун тириклигида сахрога бош олиб кетиб, инсонга хос хурсандчиликлардан воз кечди ва бутун вақтини дуо ўқиб, ибодат қилиб ўтказди. Улганидан кейин ушбу дарвиш жаннатга тушади, лекин унинг ташрифи ҳеч кимга хуш келмайди. Дарвиш фаришталар учун муносиб сухбатдош бўлолмайди, чунки улар нима ҳақида гапирётганини тушунишмайди ҳам. Узининг ердаги ҳаётини одамлардан узоқда, руҳан камол толмаган, фақатгина дуо кетидан дуо ўқиш билан ўтказиб тақводор, лекин фикри, дунёқароши тор одам бўлиб қолди. Бечорага раҳми келган, Худо жаннатда у учун ўзи ўрганган саҳро яратиб берибди. Уша саҳрода дарвиш ерда ўрганиб қолган машғулоти давом эттира бошлайди. Дунёвий хурсандчиликлардан воз кечиб, ушбу тақводор ерда ҳам, кўкда ҳам ҳеч кимга кераги бўлмай қолибди. Сведенборгнинг фикрича, инсон учун ягона наҳот — унинг ақл-идроқидир. Агарда сен фаришталар



Илгари Россия шоҳлари, уларнинг қариндош-уруғлари, бой-зодагонлари қўлида кўплаб нодир, қимматбаҳо буюмлар тўпланган. Уларнинг бир қисми инқилоб даврида изсиз йўқолган. Кўплаб заргарлик санъати намуналари хорижга олиб кетилган. Баъзилари эса ҳозир Санкт-Петербургдаги Эрмитаж залларида, Москвадаги Олмос фондида сақланади. Катта империя тожи шулар жумласидандир. Унинг аниқ нухаси "Россия империясининг тожи" фильмида намойиш этилган эди.



ЖАВОҲИР ИШҚИБОЗИ

Қимматбаҳо буюмлар билан боғлиқ кўплаб саргузаштлар, афсонаю ривоятлар ҳикоя қилинади. Улардан бири Петербургда хусусий дўконига эга бўлган фаранг заргари Жак Совиньи номи билан боғлиқ. Бунда асосий роль император Александр III хотинининг сирдош дугоналаридан бири Марияга тегишлидир. У князь Оболенский билан қариндош, кейинроқ қашшоқлашган дворянлар авлодига мансуб бўлган.

Мария император хоним номидан заргар олдиға келиб, қимматбаҳо тақинчоқлар шодаси тайёрлашга буюртма беради. Совиньи тақинчоқларни ясашда энг йирик ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланди. Буюртма ниҳоятда қиммат турар – бир қаср баҳосига тенг эди. Шунинг учун заргарни "император хоним"нинг ўзи Қишки саройда қабул қилди. Қабул зали ним қоронғу, шамлар ёқилмаган эди. Шунинг учун шўрлик заргар император хоним родини Мариянинг хизматкори ўйнаётганини пайқамди. Боз устига, музокара чоғида малика сукут сақлагани, унинг номидан дугонаси гапиргани ҳам шубҳа тугдирмади.

Олий зот хоним гўё қимматбаҳо тақинчоқларга буюртма берганини камтар ва тежамкор император ҳазратларидан сир тутаётган экан. Шунинг учун хариднинг пулини бўлиб-бўлиб, бир қисмини икки ойдан кейин, қолганини эса ярим йилдан сўнг тўлайдиган бўлди. Шартномани "император хоним"нинг шахсан ўзи имзолади.

Совиньи ўзида йўқ шод эди.

Оладиган фойдасидан ташқари, у Россия ва Европада ишини янада ривожлантиришга умид қиларди. Сабаби, мижозлари орасида шундай олий зотли хонимлар борлиги маълум бўлган, омади чопишига ишонарди. Фақат битим шартларига кўра ярим йилгача буни сир тутуши лозим эди.

ганлигини эслатганида фирибгарлик фош бўлди. Бу вақтда император хонимнинг сирдош дугонаси Мария тоби қочиб, даволангани Европага кетган экан.

Совиньи хонавайрон бўлди. Сарой аҳли жанжал кўтарилишини истамасди. Заргарга жиноятчини тутушнинг барча

ши мумкин, деган тахминлар ҳам бор. Чунки тақинчоқлар шодасини яхлитига пулласа, бу ҳақда маълумотга эга Европа полицияси уни қўлга олиши мумкин эди.

Тахминан шу даврда, яъни XIX асрнинг 90-йиллари бошларида Англия қироличаси Виктория саройида Обнорская исмли графиня хоним пайдо бўлди. Рус аслзода аёлига ҳамма ерда барон фон Штотт ҳамроҳлик қиларди. У қартабозликка ўчлиги, қўлига тушган пулни совуриши билан машҳур эди. Барон бир неча марта қиморда йирик бриллиантларни "(балки ўша тақинчоқларнинг тошларидир?!)" тикди. Бир куни унинг ўлиги топилди – чаккасидан қон оқиб ётар, ўнг қўлида эса тўппонча бор эди. Инглиз полициячилари марҳум ўз жонига суиқасд қилганига ишонишмади, сабаби у чапақай эди. Мария не найранглар билан топган бойлигини совураётган барондан шу тариқа қутулган, ёлланма қотиллар эса унинг чапақайлигидан беҳабар бўлишлари мумкин эди. Очкўз хоним топганидан қаноатланмади. У йирик инглиз давлат арбоби маркиз Роберт Солс-

берининг жияни Жеймс Солсберини ишқ домига илинтирди. Айтишларича, Жеймс хотини йўқлигида жазманини уйига таклиф этган. Тез орада Солсбериларнинг ёқутдан ясалган қимматбаҳо тақинчоқлари йўқолгани маълум бўлди. Графиня Обнорскаядан шубҳаланишди, аммо исботлашнинг имкони бўлмади. Ўғри хоним бу гал ҳам сувдан қуруқ чиқиб, Францияга йўл олди.

Парижда у банкирнинг ўйнашига айланди. Тез орада Мария заргарлик дўконидан йирик зангори жавоҳирлар билан безатилган тамакидон сотиб олди. Ҳисоб-китобни эса банкир имзо чеккан чек орқали амалга оширди. Кейинчалик имзонинг қалбакилиги маълум бўлди. Бу гал Обнорская жавобгарликдан қутулолмади. Уни турмага қамашди. Аммо хоним қамоқхонадан қочишга муваффақ бўлди. Ё қамоқхона ходимларини сотиб олган, ё ошиқ банкирнинг ўзи ёрдам берган, деб тахмин қилишади. Кейинроқ уни Пруссияда, Италияда кўрганлар бор. Ҳа, ана шундай қимматбаҳо тақинчоқларни нафақат тақишга, балки қўлга киритишга ўч, "истеъдодли" аёллар ҳам бўлган.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



Тақинчоқлар шодаси – сиргалар, узук ва билакузукларни олгани яна Мария келди. Унга Преображенск полкининг бир неча гвардиячиси ҳамроҳлик қилишарди. Орадан икки ой ўтиб заргар император хонимга мурожаат қилиб, биринчи бадални тўлаш муҳлати кел-

чоралари кўрилишини айтишди. Бутун полиция оёққа турди. Аммо фирибгарни ҳам, унинг шерикларини ҳам топиб бўлмади. Ҳатто гувоҳлар ҳам йўқ эди.

Мария қимматбаҳо тошларни тақинчоқлардан ажратиб, алоҳида-алоҳида сотган бўли-

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



ҚҲЙ. Ушбу ҳафтада ижодий куч-қувватингизнинг ошиши тижорат соҳасида янги лойиҳаларни бажаришга ундайди. Шахсий ҳаётингизда рўй берган қувончли воқеалардан руҳланасиз. Аммо жума куни кичик кўнгилсизлик ва ўзаро тушунмовчиликлар қутилмоқда. Дам олиш кунлари эса аксинча, кўзлаган ниҳонингизга осонгина эришасиз.



ҚИСКИЧБАҚА. Кўзланган режаларни амалга ошириш билан банд бўлиб, одамларни эътибордан қолдирасиз. Хонадондаги яқинлик ва саришталикдан кайфиятингиз кўтарилади. Атрофингизга янги дўстлар ва шериклар тўпланади. Уларнинг ишончига кириб талайгина масалаларни ҳал этишга муваффақ бўласиз. Молия соҳасида ҳам омад кулиб боқади.



ТОРОЗИ. Сиз билан ҳамкорлик қиладиган фаол ва ишчан одамларни излаб топинг. Кўзлаган мақсадингизга эришиш учун яқин дўстлар ва маслақдошлар кўмагидан фойдаланганингиз маъқул. Жума куни ҳаётингизда рўй берган қарамақаршилиқни осонгина бартараф этишга муваффақ бўласиз. Бу эса обрўнингиз ошиши ва таъсир доиранингиз кенгайишига олиб келади.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Онлангиздаги юмушлар ва баъзи муаммолар сизни кўпроқ қизиқтиради. Ишхонада етакчи бўлишга ҳаракат қилмаганингиз маъқул. Яхшиси ишларнинг юришишига ҳалақат бераётган тўсиқларни олиб ташлашни маслаҳат берамиз. Муносабатларни яқшилаш масаласи алоҳида эътиборни талаб этади.



Милиция генерал-майори К. Ғопуров хотирасига бағишланган аънавий турнир ниҳоясига етди. Пойтахт ИИББ жамоаси бу гал ҳам юксак маҳоратларини намойиш этиб, голибликни қўлларида сақлаб қолдилар. Иккинчи ўрин Транспорт ИИБ футболчиларига насиб этди. Қашқадарё вилояти ИИБ вакиллари эса учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

ТУРНИР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Ғолиб ва совриндорларга мукофотларни топшириш тантанали вазиятда ўтди. Унда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров ва

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, милиция полковниги Ф. Қодировлар қатнашиш. Марҳум милиция генерал-майори К. Ғопуровнинг кизи Нилуфар сўзга чиқиб,

турнир ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди ва голибларга оиласи номидан махсус совринлар топширди.

Ўз мухбиримиз.

КУЧЛИЛАР ҒОЛИБ

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасининг "Динамо" ФСЖ мажмуида ички ишлар ходимлари ўртасида спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Улар спортнинг кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, турли масофаларга югуриш каби ўнга яқин турлари бўйича куч синашдилар. Бундан ташқари мусобақада ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари ҳам ўзаро беллашишди.



Беллашув натижаларига кўра 85 нафар голиб спортчилар "Динамо" ФСЖнинг дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Умумжамоа ҳисобида вилоят ИИБ, Урганч шаҳар ИИБ, вилоят ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими ҳамда тергов ҳибсхонаси жамоалари фахрли ўринларга сазовор бўлишди.

Х. ЖАББОРОВ

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

«ПАХТАКОР» ЯНА КУБОК СОҲИБИ!

Пойтахтимиздаги "Пахтакор" марказий ўйингоҳида Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Ўн биринчи маротаба ўтказилган ушбу мусобақада Тошкентнинг "Пахтакор" ва Қаршининг "Насаф" жамоалари ўзаро куч синашишди.

Учрашув бошланишидан олдин мухлису мутахассислар мазкур жамоалар ўртасидаги ўйин кескин ва мурасиз бўлишини билдиришганди. Бу ўз навбатида, бир неча муҳим омиллар билан изоҳланарди. Биринчидан, ҳар икки жамоа ҳам миллий чемпионатда совринли ўринлар учун курашаёттир. "Пахтакор" ва "Нефтчи" ўртасида олтин медаль учун аънавий рақобат бу йил ҳам давом этмоқда. Қолаверса, кубок соҳиби бўлиш халқаро майдонларда, яъни Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш имконини беришини инobatга олсак, бу учрашув ҳар иккала то-

мон учун ҳам нақадар аҳамиятли эканини билиб олиш қийин эмас. Бошқа жиҳати шундаки, "Пахтакор" бунгача беш марта финалда ўйнаб, тўрт маротаба кубокни қўлга киритган. Бу беллашувларда тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, пахтакорчилар бешинчи марта кубокни қўлга киритишни мавсум аввалидаёқ ўз олдига мақсад қилиб қўйишган. Тошкентликлардан фарқли ўларок, "Насаф" илк бор бундай имкониятга эга бўлди. Учрашув кутилгандек кескин ҳужумлар билан бошланди. Дастлабки дақиқаларданок футболчилар рақиб дарвозасини ишғол қилиш мақсадида турли масофа-

лардан зарба йўллашди. Ҳисоб 12-дақиқада очилди. Пахтакорчилар ярим ҳимоячиси С.Жепаров бурчақдан узатилган тўпни боши билан Н.Осмонов қўриқлаётган дарвозага аниқ йўллади.

"Пахтакор" футболчилари биринчи бўлимда Л.Кошелёвнинг кучли зарбаси эвазига ҳисобдаги фарқни оширдилар - 2:0. Ушбу голдан кейин пахтакорчилар бироз хотиржамликка берилишди. Бундан Д.Мавлонов унумли фойдаланиб, 34-дақиқада И.Нестеров дарвозасини ишғол қилишга муваффақ бўлди.

Танаффус вақтида бош мураббий Б.Ҳақимовдан тегишли кўрсатмалар олган "Насаф" футболчилари ҳисобни тенглаштириш мақсадида беллашувнинг иккинчи ярмини жуда фол бошлашди. Лекин "Пахтакор" тайёр галабани қўлдан бой бермади. Иккинчи бўлимда майдонга тушган М.Қосимов қашқадарёликлар дарвозасига учинчи тўпни йўллади. Б.Ҳақимов шогирдлари икки тўп фарқи билан ортда қолаётганига қарамай, ўйин тугагунча курашини давом эттирди. Лекин ўз майдонида меҳмон сифатида ўйнаган пахтакорчилар 3:1 ҳисоби ни сақлаб қолишда ва бешинчи бор кубок соҳиби бўлишди.

«НЕФТЧИ» - ПЕШҚАДАМ!

Футбол бўйича Ўзбекистон XII миллий чемпионатида иштирок этаётган олий лига жамоалари 18-тур учрашувларини ўтказишди. Мусобақа жадвалининг юқори қисмидан жой олган жамоалар ушбу турда меҳмонда тўп суришига қарамай ўзлари учун қимматли бўлган очколарга эга бўлишди.

Турнинг энг кескин ва мурасиз учрашуви Самарқандда кечди. Биродар Абдураимов бош мураббийлик қилаётган "Самарқанд-Д" жамоаси "Пахтакор"дан чемпионлиқни тортиб олиш илинжида бўлган "Нефтчи"га муносиб қаршилиқ кўрсатди.

Учинчи ўринга асосий даъвогар - "Қизилқум" сафарда йирик ҳисобда галаба қозонди. "Гулистон" ўз мухлислари кўз ўнгида еттига гол ўтказиб юборди. Даврлар оралиғида таркибга бир неча кучли футболчиларни таклиф қилган "Навбахор" кетма-кет галаба қозонишда давом этмоқда. Бу гал наманганликлар Тошкентда "Трактор"га қарши ўйнашди. Меҳмонларнинг иқтидорли ҳужумчиси Ш.Мирхолдиқов томонидан биринчи бўлимда киритилган икки голга "Трактор" футболчилари ўйин тугашига бир неча дақиқа қолганида атиги бир маротаба жавоб қайтаришди - 1:2.

15 август куни мамлакат кубоги учун кечган финал ўйинида "Пахтакор"дан енгилган "Насаф" Қўқонда яна қақшатқич зарбага учради. Олий лигада қрлиш ҳаракатида бўлган "Кўқон-1912" меҳмонлар дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллади. "Андижон" - "Бухоро" учрашувида жамоага янги қўшилган

ўйинчилар мезбонларга галаба келтиришди. Учрашувни кузатган мухлислар бир дақиқа ичида иккита голнинг гувоҳи бўлишди.

29-дақиқада И.Хазигалиев "Бухоро" дарвозасини, И.Қурбонов эса "Андижон"ни кини аниқ нишонган олди. Меҳмонлар дарвозасига иккинчи тўпни биринчи даврада "Бухоро"да ўйнаган У.Бақоев киритди. Иккинчи бўлимда "Пахтакор"дан "Андижон"га



қўшилган Б.Ҳамидуллаев бухороликлар посбонини яна бир марта ўз дарвозасида тўп олиб чиқишга мажбур қилди - 3:1.

Қувасойда "Дўстлик"ни йирик ҳисобда маглубиятга учратган "Цементчи" хавфли ҳудуддан анчагина узоқлашди. "Цементчи" футболчилари рақиб жамоани 4:1 ҳисобда доғда қолдирди.

Худди шу ҳисоб Муборақда қайд этилди. "Машъал" "Металлург"ни Бекободга қуруқ қайтишга мажбур қилди - 4:1. Мусобақа жадвалида "Нефтчи" 48 очко билан биринчи ўринга кўтарилиб олди. 18-турда дам олган "Пахтакор" ҳозирча иккинчи ўринда. Совринли ўринлар учун "Қизилқум", "Навбахор" ва "Насаф" жамоалари курашмоқда. "Металлург", "Гулистон", "Трактор" ва "Кўқон-1912" футболчилари олий лигада жон сақлаб қолиш учун анчагина тер тўкишлари лозим.

Боҳир БЕК.

ТЕРМА ЖАМОА: ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Тобора яқинлашиб келаётган куз фасли футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси учун жуда масъулиятли палла ҳисобланади. Чунки ноябрда футболчиларимиз келаси йили Хитойда ўтадиган Осиё чемпионатининг саралаш учрашувларини бошлашади.

Ўзбекистон терма жамоаси Таиланд, Тожикистон ва Сянган (Гонконг) билан бирга саралаш турнирининг "А" гуруҳидан жой олган. Гуруҳ беллашувлари икки даврада - биринчиси 6-10 ноябрь кунлари Тошкентда, кейингиси 17-21 ноябрь кунлари Таиланд пойтахти Бангкокда ўтказилади.

Тошкентда футболчиларимиз 6-ноябрда Сянган, 8 ноябрда Таиланд ва 10 ноябрь куни Тожикистон терма жамоасига қарши майдонга тушишади. Саралаш турнирининг иккинчи қисмини вакилларимиз 17 ноябрда тожикистонликларга қарши кечадиган ўйин билан бошлашади. Икки кундан кейин Сянган ўзбекистонликларга қарши тўп суради. 21 ноябрь куни гуруҳнинг асосий учрашувида таиландлик футболчилар терма жамоамиз билан куч синашишади.

Умуман олганда, "А" гуруҳи анча кучли терма жамоалардан таркиб топган. Бироқ гуруҳда пешқа-

дамликка Ўзбекистон ва Таиланд асосий даъвогар дейиш мумкин. Чунки ҳар икки жамоа ҳам учтадан ўйинни ўз мухлислари кўз ўнгида ўтказадди.

Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш турнирига жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Қувончли томони шундаки, илгари ўқув-масғулот йиғинларига хорижда тўп сураётган футболчиларимиз мунтазам жалб қилинмаган бўлса, ҳозир терма жамоанинг ўртоқлик ўйинларига деярли барча легионерлар келяпти.

Жорий йилда терма жамоамиз Беларусь футболчилари билан иккита ўртоқлик учрашувини ўтказди. Минскдаги ўйинда 2:2 ҳисоби қайд этилган бўлса, Тошкентда вакилларимиз 1:2 ҳисобда имкониятни бой берди.

Мамлакат чемпионатининг аҳамиятли томони шундаки, латиш мутахассислари ўзбекистонлик футболчиларга ҳам эътибор қарата бошлашди. Жумладан, "Рига" клуби бирварақайига учта ўзбекистонлик футболчи - Б.Носиров, В.Аниқин, В.Клишин хизматидан фойдаланишни маъқул кўрган. Кеча Латвия ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртоқлик учрашувини ўтказдилар.

ни машҳур артистлариникига қийлашади. Югуришда спринтерлардек тезкор. Иккала оёғи билан бир хил ўйнайди. Бу хусусияти унинг ҳар икки қанотда самарали тўп суришини таъминлайди. Лекин Роналду ўйин чоғида кўпроқ ўзини ўйлайди.

Португалиянинг "Спортинг" жамоаси бу футболчи эвазига яхшигина ҳақ - 19,64 миллион АҚШ доллари сўради. Манчестерликлар бунга рози бўлишди. Жамоага қўшилгач, Роналдуга "7" рақами берилди. Энди у ишончли оқлаб, бу рақамга муносиблигини исботлаши лозим.

РОНАЛДУ - ЯНГИ ЮЛДУЗ

Бу йил Англиянинг "Манчестер Юнайтед" жамоаси Д.Бекхэмни Мадриднинг "Реал" жамоасига сотиб юборгани анча шов-шув бўлди. Айрим мухлису мутахассислар жамоа бош мураббийи Сэр Алекс Фергюсонни анчагина танқид қилишди. Лекин бу билан "Манчестер

юнайтед" унчалик заифлашиб қолмади. Жамоа раҳбарияти Бекхэмнинг ўрнини боса оладиган ўйинчи топишди.

Криштиану Роналду 1985 йилда Португалияда туғилган. Ярим ҳимояда тўп суришига қарамай тез-тез ҳужумга қўшилиб туради. Унинг тўп билан муомала қилиши-

17-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Нефтчи"	18	16	0	2	51-16	48
2. "Пахтакор"	17	15	2	0	57-14	47
3. "Қизилқум"	18	12	3	3	40-15	39
4. "Насаф"	18	10	2	6	35-25	32
5. "Навбахор"	18	9	5	4	32-18	32
6. "Машъал"	18	8	3	7	29-20	27
7. "Дўстлик"	18	7	3	8	26-32	24
8. "Сурхон"	17	7	3	7	20-31	24
9. "Бухоро"	18	6	2	10	29-32	20
10. "Андижон"	18	5	5	8	20-23	20
11. "Самарқанд-Д"	18	6	1	11	23-32	19
12. "Цементчи"	18	5	4	9	25-37	19
13. "Металлург"	18	4	3	11	20-39	15
14. "Кўқон-1912"	18	5	0	13	22-43	15
15. "Гулистон"	18	4	2	12	13-42	14
16. "Трактор"	18	3	4	11	21-45	13

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»

Ислом КАРИМОВ.



Ҳиласоат

Ёшлар саҳифаси

Деярли ҳар куни бекат яқинидаги серсоя қайрағоч остида ногиронлар аравачасида ўтирган саккиз ёшлардаги қизалоқни кўраман. Кўғирчокдек чиройли, серкиприк кўзлари катта-катта, тим қора, қўнғироқ сочлари елкасига ёйилган, одатда башанг кийиниб, оёқларини гулдор мато билан ўраб ўтирувчи қизалоқ аксари ногиронлар каби рангпар ва одамови эмас. Аксинча, у бекатга келиб тўхтаган ёки автобус кутиб турган таниш-билишлари билан самимий гаплашиб ўтиради. Уни билганлар: «Ҳа, Саидақиз, омонмисан? Яхши бўлиб қолдингми?» дея ҳол-аҳвол сўрашади. Қизиғи, кўпчилик билан апоқ-чапоқ бўлиб кетганига қарамай бировдан ҳеч қачон совға-салом олмайди. «Раҳмат, йўқ, раҳмат» дея ширинлик, мева-чева бермоқчи бўлганларнинг қўлини қайтаради.

ОМОНМИСАН, САИДА!

Хўш, бу хушмуомала қизга нима қилган? У туғма ногиронми ё бирор қор-ҳол бўлганми? Кўпдан бери хаёлимни банд қилган шу каби саволларга болалар шифокори Дилбархондан жавоб олдим. — Саида оиланинг ёлғиз қизи, — деди у. — Уч ўғилдан кейин туғилгани учунми анча шаддод ва эрка эди. Беш ёшидан акалари қатори спорт машғулотларига қатнашган. Бир куни телевизорда «Ҳайвонот олами»ни кўриб ўтиришганда акалари: — Саида, сен нимадан кўрқасан? — деб сўрашади.


— Ҳеч нарсадан кўрқмайман, — дадил жавоб беради қизалоқ. Шундан кейин шўх-шаддод акалар сингилни кўрқитиш пайига тушиб қоладилар. Уларнинг гоҳ сичқон, гоҳ қурбақа билан сингилларининг юраги қай даражада дош беришини синашга интилаётганини кўрган ота-она ҳам «хой, ундай қилманглар, қиз боланинг ўтақасини ёрасизлар» дейишдан нари ўтмаган. Бир куни кечаси Саидадан икки ёш катта акаси Элдор унга сеҳрғарлар мамлакатидаги

одамхўр илон, чаён, қорақуртлар ҳақида кўрқинчли эртаси айтади беради. Эртаси тонгда эса: — Саида, қоч! — дея ухлаб ётган сингилсини бақириб уйғотади. — Қоч, қорақурт келяпти! Саида чўчиб уйғониб, кетади. Қараса... шундоққина ёстиқ устида туклари хурпайган, нақ пиёладак «қорақурт» кўзларини ялтира-тиб, у томонга қараб турибди! Қизча «дод!» дея шаҳд билан ўрнидан тургану, икки қадам юрмай йиқилган. Ҳеч гапдан беҳабар ака «кўрқитдимми?» дея хурсанд

бўлиб кулаётган пайтда унинг сингилсини хушидан кетиб ётарди. Воқеадан хабар топган ота-она қизни ўзига келтирадилар. Бироқ каттиқ кўрқув оқибатида... Саиданинг оёқлари шол бўлиб қолади... Унинг оёқлари жонсизланганига мана, бир йилга яқинлашиб қолди. Лекин Саида ўта ҳаракатчан қиз эмасми, шифокор буюрган дори-дармонларни вақтида ичади. Айниқса, оёқларини ҳаракатга келтиришга ёрдамлашувчи машқлар қанчалик оғир бўлмасин, уларни

бажаришга интилади. Ҳозир оёқлари анча жонланиб, мустақил ўн одимча юра олади. Унинг бу ҳолга тушишига сабабчи — акаси Элдор эса Саиданинг аъло ўқишига бошқош. Фақат энди сингилсини ваҳимали эртақлар айтади бермайди, кўриниши кўрқинчли ўйинчоқлар совға қилмайди. Саиданинг акалари энди болаларни кўрқитишнинг оқибати аянчли эканлигини яхши билишади...

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.



Хаёла оғушида.

А. Тўраев олган сурат.

Болаликнинг беғубор дамлари ҳар бир инсоннинг умр дафтарида зарҳал ҳарфлар билан битилади. Ана шу дамлар қувонч билан эсланиши учун бола тарбияси, хулқи-га жиддий эътибор бериш керак. У назоратсиз қолса, ножўя ишларга қўл уриши мумкин. Бу эса ҳар бир ота-она, ўқитувчи, маҳалла фаоллари, ички ишлар ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

ЖИНОЯТЧИ БЎЛИБ ТУФИЛМАЙДИЛАР

Туманимизда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида махсус режа асосида иш олиб борилмоқда. Унга кўра туман ҳокимлиги қошидаги балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, туман халқ таълими ва ички ишлар бўлимлари ходимлари тез-тез мактаблар, касб-хунар коллежлари, боғчаларда бўлиб, турли мавзуларда суҳбатлар, танловлар, кечалар ўтказишмоқда. Тарбияси оғир, оилада қаровсиз қолган болалар диққат марказида. Бу йил ана шундай ўсмирлардан 28 нафари ҳисобга олинди, алоҳида тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Шу боис йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилмади.

Вақтини бирор фойдали ишга сарфламаган бола жиноятга қўл уриши тайин. Шунинг ҳисобга олиб ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида тарбиячи-педагоглар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказаяпмиз. Спортнинг ўнлаб тури бўйича беллашувлар ташкил этилмоқда. Ўтган 6 ой давомида ҳуқуқбузарликлар, диний-экстремистик оқимга мансуб шахсларнинг аянчли қилмишлари, бола тарбияси хусусида жойларда юздан ортиқ суҳбатлар уюштирилди. Бу борада милиция лейтенантлари Аллаёр Шерматов, Ҳабибулло Ҳамидов сингари ходимларимиз фидойилик кўрсатишяпти.

Бола бир ниҳол. У келгусида азим «дарахт» бўлиб, «мева» бериши учун ёшлигидан тўғри тарбияламоқ, ҳаёт йўлининг нурафшон дамларини кўз олдида келтироқ керак. Бўлинмамаиз ходимлари ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солаверадилар.

Гулмурот МИРЗАЕВ, милиция майори, Термиз тумани.

ЁШЛАР ВА БИЗ

Ёшлар юртимиз келажаги, халқимиз ишончи. Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси бугунги кунда энг долзарб вазифалардан биридир. Айниқса, ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ана шу эзгу мақсаднинг муҳим қирраси ҳисобланади. Бу борада муайян ишлар амалга оширилса-да, ҳамон ҳуқуқбузарликлар учраб турибди.

Урганчлик М. Интизор 17 ёшда. Ҳеч қаерда ўқимайди. У бировнинг 45 минг сўм пулини ўғирлаб, жиноят содир этади. Суриштирувлар шунинг кўрсатдики, Интизорнинг тарбияси билан ота-онаси

деярли қизиқишмаган. Буни суҳбат чоғида маҳалла фуқаролари ҳам тасдиқлашди.

Эндигина 16 ёшга кирган урганчлик А. Шерзод қатор ўғирликларга қўл урди. У Аҳмаджон Ибрагимов кўча-

сида яшовчи Зебо Нурматованинг видеомагнитофони, Й. Бобожонов кўчасида яшовчи Марина Кўчқорованинг тилла тақинчоқлари ва видеомагнитофони, 6-кичик даҳадан Равшан Бекжоновнинг тилла сирға ва учта узугини ўғирлаб кетади. Ачинарлиси, унинг ўғирлик қилаётганини билаётган ота-онаси болага танбех бериш у ёқда турсин, ҳатто чурқ этиб оғиз очишмаган.

Қ. Рамис ҳам ота-онаси билан яшайди. Аммо катталарнинг фарзанд тарбиясига беъэтиборлиги унинг

ёмон хулқли болалар билан улфатчиликка бориши, қимор ўйнаши, охир-оқибат ўғирлик қилишига олиб келди. У Урганч улгуржи бозорида Илҳом Мадаминонга тегишли автомашинадан карбюратор ва бензанаосни ўмарди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўсмир тарбияси учун масъул бўлган ота-она, мактаб, маҳалла фаоллари ички ишлар ходимлари яқиндан ҳамкорлик қилишмас экан, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бора-сида муваффақиятга эришиб бўлмайди.

К. ЎРОЗОВ, милиция капитани.

28	И	44	К	6	Д	26	И	33	Л	38	Т	41	Р	53	И	17	Б	23	Р	19	Л	14	И
52	Д	20	И	30	9	55	Т	11	А	13	Д	50	0	9	Ф	36	0	48	С	1	Х	12	Л
49	Т	47	А	39	Т	5	Ш	24	Т	46	А	57	Р	60	!	40	И	31	Б	34	И	2	А
29	Ш	22	0	10	3	42	М	3	Р	59	Ш	56	И	15	Р	16	—	8	А	45	К	27	Р
32	И	35	М	37	Р	18	И	7	А	54	Л	21	М	51	Й	43	0	4	И	25	Т	58	И

БУЮК ШОИР ЎГИТИ

Ушбу бошқотирмага Алишер Навоий устози бўлмиш Абдураҳмон Жомий ўғитларидан бири яширилган. Шақл хоналарига сочилган ҳарфлар ва тиниш белгиларини уларнинг олдидаги тартиб рақамларига қараб алоҳида битта қоғозга бирма-бир ёзиб чиқсангиз, буюк шоир ва олимнинг ёшларга аталган дурдона сўзларини билиб оласиз.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

ЙЎЛ БОШИДА ТУРГАН БОЛАКАЙ...

Вояга етган ўсмир дунёга қай кўз билан қарайди? Ҳаммаси тарбияга боғлиқ, дегувчилар жуда кўп. Оилавий муҳитга, атрофдагилар муносабатига боғловчилар ҳам учрайди. Вояга етмаганлар ҳақида гап бошладикми, келинг, шу мавзунини давом эттирамиз.

Н. Арслон, Ж. Салим ва А. Жакбарали 15-16 ёшларда. Андижон шаҳрида истиқомат қилишади. Тенгқурлари келажакда ким бўлсам экан, деган саволга жавоб ахтариш билан банд бўлган бир пайтда улар пул топиш илинжида ҳаловатдан кечдилар.

— Менга қаранглар, — сўз қотди Салим. — Келинглар, биз ҳам пул ишлаймиз. Қачонгача «дада юз сўм беринг», — деб ялинамиз. Хоҳласанглар пул ишлашнинг йўлини айтаман.

Салим ўз таклифини айтгач биргаллашиб режа тузишди. Режага биноан улар Андижон шаҳри Қўшариқ даҳасидаги кўп қаватли уйларнинг ертўласидаги сув насосини ўғирлашлари керак эди. Шундай қилишди ҳам. Аввалига битта, кейинроқ иккита... Хуллас, ҳар бирининг нархи олти миш минг сўмдан бўлган олти насосни ўмариб, бозорда 10-15 минг сўмданга пуллаб юборишди. Бунинг натижасида эса юзлаб хонадонлар сувсиз қолди. Ўзларини катта одамлардек ҳис эта бошлаган ўсмирлар тез орада қўлга тушиб, милиция ходимларига қай тарзда тушунтириш беришларини билишмасди. Начора, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан алоҳида шуғулланишга тўғри келди.

Ҳа, ўсмирлик йўл бошида турган болакайга ўхшайди. Ана шу йўл манзилга тўғри олиб борадими ёки йўқми? Буни ёшлар доим ҳам билаверишмайди. Англаб етиш учун эса кўп нарса керак. Вояга етмаганларнинг ана шу «кўп нарса»ни билишлари жуда муҳимдир.

С. ҲУСАНЗОДА.

Хизматларда

СОҒЛИҚ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Синонинг "Шифокорда бургутнинг кўзи, шернинг юраги, аёлларнинг носик қўллари бўлиши даркор" деган ҳикмати бу касб эгаларига берилган асл таърифидир. Чунки шифокор ҳақиқатан, довурак, меҳрибон, ўткир зеҳнли, оқил бўлиши зарур. Боиси унинг зиммасига инсон ҳаёти ва саломатлигини асраб-авайлашдек масъулият юкланган. Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлими поликлиникаси шифокорлари буни бир лаҳза бўлса-да, унутмайдилар.



Қарийб 40 йиллик тарихга эга бўлган поликлиникада вилоятдаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, уларнинг ота-оналари, оила аъзолари ҳамда тизимда ишлаб, нафақага чиққан фахрийларга тиббий хизмат кўрсатилади. Ҳар йили соғломлаштириш йиллик профилактик тиббий кўрик ташкил этиб келинди. Шу билан бирга республика ИИБ тизимидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга ва тизимга ишга кириш истагида юрган ёшлар ҳам шу поликлиникада тиббий кўриқдан ўтказилади.

Осойишталик посбонлари, ҳақ-ҳуқуқимиз ва манфаатларимиз ҳимоячиси бўлган шарафли касб эгаларининг саломатлигини асраш бизнинг зиммамизда, — дейди вилоят ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, ички хизмат майори Абдулазиз Бобоев. — Шунингдек, эртага Ватан қалқони, эл-юрт ҳимоячиси бўладиган фарзандларимиз ҳар жиҳатдан етук камол топишига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Бу бизни ҳаммаша ишга талабчанлик, меҳр ва эътибор билан ёндашишга ундайди. Ҳузуримизга келган беморга керакли тавсиялар берамиз. Лозим бўлса, ёнгинамизда жойлашган Республика ИИБга

қарашли физиотерапия шифохонасига даволаниш учун юборамиз. Республика микёсидаги ушбу шифохонанинг аҳамиятли томони шундаки, у ерда дори-дармонлардан ташқари физиотерапия, игна билан даволаш, маъданли сув ва халқ табобати усулларидан кенг фойдаланилади.

Поликлиникамизда ҳам физиотерапия муолажалари, электрокардиограмма клиник-биохимик таҳлиллар, умуман, барча турдаги даволаш ишларига кунг билан ёндашилади.

Ушбу масканда шифо топган беморлар поликлиника бошлиғи, ички хизмат капитани Баҳодир Маъмуров, Наргиза Рустамова, Замира Содиқова, Акрамжон Муҳиддинов каби шифокорлар хизматидан мамнун. Уларнинг заҳматли меҳнати ҳақида сўз юритар эканмиз, шу ўринда осойишталик посбонлари саломатлигини асраш йўлида поликлиника ходимларига яқиндан ёрдам бериб келаётган вилоятдаги бошқа шифо масканлари фаолиятига ҳам тўхталиб ўтишни лозим топди.

Яқинда шундай ҳолат юз берди. Спиртли ичимлик ичган ҳолда автомашина бошқариб бораётган ҳайдовчи хизматда бўлган вилоят ИИБ ЙХХБ инспектори Одилжон

Ҳамдамовни уриб юборади. Бу ҳам етмагандек виждонсиз ҳайдовчи ёрдам кўрсатиш ўрнига воқеа жойидан қочиб қолади. О. Ҳамдамов оғир аҳволда вилоят тез тиббий ёрдам илмий марказига олиб келинади. Зудлик билан малакали тиббий ёрдам кўрсатилганлиги боис унинг ҳаёти сақлаб қолинади. Бунда илмий марказнинг реанимация бўлими мудир, олий тоифали шифокор Неъматжон Абдуллаев, олий тоифали жарроҳлар Ўрмонжон Ашуров, Алишер Тожибоевларнинг хизмати катта.

Бурчга бўлган бундай фидойилик одамларда саломатлик посбонларига нисбатан эҳтиромни оширади. Умуман, тиббиёт ходими деган шарафли номга сазовор бўлган киши улуг бир туйғу билан яшаши керак. Машойихлар "Бойлик бойлик эмас, соғлиқ бойлик" деганларида минг бора ҳақ эканликларини ҳеч ким инкор этмасе керак. Соғлом кишининг кўнглига қувончу шодлик сиғади. У оила, эл-юрт, келажак ҳақида ўйлай олади. Наманган вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникаси шифокорлари ана шундай тенгсиз бойликни асраб-авайлаш йўлида фидойилик кўрсатишяпти.

Д. ТУРҒУНОВА,
И. ЮСУПОВ.

Суратда: поликлиника иш фаолиятидан лавҳа.

А. МАТКАРИМОВ олган сурат.

САМАРАЛИ
МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

Тошкент метрополитени 1977 йилдан буён ҳамюртларимизга беминнат хизмат қилмоқда. Метро бекатлари ҳудудида, перронларда жамоат тартибини сақлаш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Тошкент метрополитенини муҳофаза қилиш бўйича ИИБ ходимларининг зиммаларидаги асосий вазифадир.

Бундан ташқари пойтахтимизда ўтказиладиган турли байрамлар, мусобақалар, ички ишлар идораларининг "Тозалаш", "Тун", "Қорадо-ри", "Арсенал" каби кўплаб тадбирларида шахсий таркибимиз бошқа хизматлар ходимлари билан биргаликда фаол иштирок этмоқдалар, — дейди ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Аҳмаджонов. — Бўлимимиз ходимлари метро бекатлари ҳамда метро атрофи ҳудудларида асосан майда безорилик, ноқонуний савдо қилувчилар, дайдилар, паспорт тизими қоидаларини бузувчиларга қарши кураш қилишга жалб этилгани ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ходимларимиз томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган икки мингдан ортиқ шахс ИИБга олиб келиниб, қонуний чоралар кўрилади. Масалан, А. Навоий номли бекатда навбатчилик қилаётган милиция старшиналари Ш. Норматов, Ш. Абдуллаев, Б. Мамбетовлар катта сумка олиб кетаётган фуқаро Х. Р.ни тўхташиб текширишганда у Зангиота туманидаги хонадонларнинг биридан буюмларини ўғрилаб кетаётгани аниқланди. С. Раҳимов бекатида хизмат қилаётган милиция сержанти А. Иноғомов республикамизга ноқонуний йўллар билан кириб келган Россия фуқаросини, Ҳамза бекатида эса милиция катта сержанти Ф. Раҳматуллаев қалбаки талабалик дафтари билан юрган фуқаро Ш. Ш.ни аниқлаб, ИИБларга топширганлар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Метро бекатларини кўриқлашда ўта муҳим ҳисобланган фавкуллода ҳодисалар юз беришига йўл қўйилмади. Бу ходимларимизнинг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашуви натижасидир.

Н. МАҲМУДОВА.

Ўтган йил Хонқа тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими учун омадли келди. Ходимлар кўриқланаётган масканларни ишончли ҳимоя қилиш билан бирга турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда содир этилган жиноятларни фож этишда фаол иштирок этишди. Ҳўш, кейинги пайтда қандай натижалар қўлга киритилди? Бўлинма бошлиғи, милиция майори О. Абдуллаевдан шу ҳақда гапириб беришни илтимос қилдик.

ШИЖОАТЛИ
ЙИГИТЛАР

Ўтган вақт давомида бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликда ўндан ортиқ жиноятларни очишда иштирок этдик. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённомалар тузилди.

Биз туман ҳудудидаги 29 та маскани ўз назоратимизга олганмиз. Улар ишончли кўриқланаётганлиги сабабли кейинги икки йил ичида бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Бўлинмамизда ҳушёр, жасур, ўз бурчига виждонан ёндашидиган ходимлар оз эмас.

Шу йил 5 январь куни тунги соат 2.30 ларда милиция кичик сержантлари Қахрамон Бобожо-

нов ҳамда Арслон Раҳимовлар беаҳалда юрган урганчилик О. Фарҳодни ИИБга олиб келишди. Унинг ёни кўздан кечирилганда 0,88 грамм героин борлиги аниқланди. Тунги "меҳмон"нинг сумкасида эса омбур, 10 дона калит, спорт бош кийимидан тикилган махсус ниқоб, пичоқ ва ил топилди. Ходимларимизнинг ҳушёрлиги, зийраклиги туфайли содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг олди олинди.

Шу ўринда халқ осойишталигини таъминлаш, кўриқланаётган масканларни ишончли ҳимоя қилишда милиция катта сержантлари Қахрамон Аvezов, Собир Собиров, Мурод Раҳимов



сингари кўплаб жонқуяр ходимларимизнинг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Милиция катта сержанти Ибодулла Абдуллаев эса осойишталиқни таъминлашдаги ҳалол хизматлари ҳамда зиммасидаги топшириқларни сидқидилдан бажараётгани учун милиция старшинаси унвонига сазовор бўлди.

Сўнги пайтда бўлинмамиз ходимлари томонидан биронта ҳам интизом бузилишига йўл қўйилмади. Шундай гайратли, шижоатли йигитлар жамланган бўлинмага раҳбарлик қилаётганимдан фахрланаман.

Х. ЖАБОРОВ ёзиб олди.

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН СОҲА

Кейинги йилларда кинология хизматида бўлган эътибор кучайтирилмоқда. Сирдарё вилояти ИИБда хизматнинг бу соҳасини такомиллаштириш ва яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда вилоят кинология хизматида юзга яқин тўрт оёқли кўмакчилар хизмат ўтаётди. Улар асосан гиёҳвандлик ва портловчи моддаларни қидириш ва бошқа йўналишлар бўйича махсус тайёргарликдан ўтган. Агар улар ёрдамида очилган жиноятларга назар ташлайдиган бўлсак, бу кўрсаткичлар йилдан-йилга ўсиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Масалан, ўтган йилнинг шу даврига қиёслаганда, ўғирлик 7 тага,

гиёҳвандлик 11 тага, ўқотар қуролларни топиш 3 тага кўпайган. Вилоят ҳудудида содир этилган жиноятларнинг 55 таси қисқа фурсатда очилишида итларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кинолог-инспекторларнинг ўз ишини яхши билиши, "тўрт оёқли дўсти"нинг тилини тушуна олиши ва айтмоқчи бўлган гапни тушунтира билиш маҳорати катта аҳамиятга эга. Шу боис кино-инспекторлар ҳам мунтазам

равишда ўқитилиб, итлар билан ишлаш услублари ўргатилмоқда.

Итлар хизматидан фойдаланар эканмиз, уларни тўғри овқатлантириш, дам бериш, турли ча-лгитувчи ўйинлар ташкил этиш ҳам зарурий омиллардир. Уларнинг соғлиги доимо назорат қилиб борилади. Итлар турли юқумли касалликларга тез чалинувчан бўлади. Ҳасталиклардан ҳимоя қилиш учун барча чора-тадбирлар кўри-ляпти. Вақтида эмлаш, тиббий кўриқдан ўтказиб туриш, улар орасида учрайдиган ҳар хил касалликларнинг олдини олишда ўз самарасини бермоқда.

Қ. КАРИМОВ,
милиция капитани.




Суратда: вилоят ИИБ ЙХХБ ЙПХ кино-инспектори, милиция сержанти В. Холиқбердиев "Блэк" лақабли ити билан тунги хизматни ўташ вақтида.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

Турмуш чорраҳаларида

«СЕН ДАН



РОЗИ ЭМАСМАН...»

Шоҳсанам хола оҳиста ўрнидан туриб, ёстикларни тўғрилади. Шу пайт эшик очилиб, хонага кенжа невараси кириб келди.
– Буви, яхши бўлиб қолдингизми? – дея меҳрибонлик билан сўради у.
– Раҳмат болам, бугун анча энгил тортиб турдим, – деди Шоҳсанам хола ўзини дадил тугиб.
Шоҳсанам қишлоқнинг энг бахтли аёлларидан бири эди. Турмуш ўртоғи Шокир ака буль-

дозерчи бўлиб ишлар, топиш-тутуши яхши бўлиб, эр-хотин икки фарзандни еру кўкка ишонимас, нимани хоҳлашса шуну муҳайё этишарди. Гўё дунёда уларникидан бахтли оила йўқ эди.
Шундай кунларнинг бирида Шокир ака тўсатдан вафот этди. Кечкурун ишдан қайтар экан, маст ҳайдовчининг касофати урди. У шифохонага етмасданқ, йўлда ҳаёт билан видолашди. Шоҳсанам кутилмаган фожи-

адан эсанкираб қолди. Яхши ҳамки қариндош-уруғлар бор экан. Улар бева аёлга қувват бўлишди. Шокир аканинг маъракаларини ўтказиб, ўғли Собирни уйлантиришга кўмаклашишди. Шоҳсанамнинг фикрича, Собир уйлангач, қуйилиб қолиши керак эди. Афсуски у ўйлагандек бўлмади. Собир ҳали чилласи чиқмаёқ, кечалари уйга маст бўлиб келар, ёш хотинини бўлар-бўлмасга дўппослар эди. Шоҳсанам опа ўртага тушар ва гоҳида мушт зарби онани ҳам четлаб ўтмасди. Ўғлининг юриш-туриши, қилмишлари уни сўндириб қўйди.
Йиллар ортидан йиллар ўтди.
– Болам, – деди бир куни

тўлди. «Ўғлимга худо инсоф берди, шеккилли», – деди у мамнун бўлиб. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмай Шоҳсанам хола эрталаб қаттиқ қичқириқдан чўчиб уйғонди. Ҳовлига чиқди-ю, хотинининг сочидан торқилаб ураётган ўғлига кўзи тушиб, улар томон югурди. Собирни таниб бўлмасди. Кўзлари бежо, ваҳожати кўрқинчли эди. У онасига кўзи тушгач:
– Сизни қақирганим йўқ, – деди безбетлик билан.
Она она-да. Югуриб бориб, ўғлининг қўлига ёпишди.
– Бировнинг боласининг ўлдириб қўйсан-ку, аҳмоқ.
Кейин нима бўлганини билмайди. Ўн кун деганда шифохонада ўзига келди. Кўзларини

ди ва... онасидан пенсия пулини талаб қилди.
– Болам, қайси юз билан пул сўраясан? – деди Шоҳсанам хола. Агар оқ сутимни оқламоқчи бўлсанг, келиним ва набираларимни олиб кел. Кексайганимда уларнинг дийдорига бир тўйиб олай. Агар сўнги тилагимни бажармасанг, сендан рози эмасман. Ҳатто ўлганимда тобутимга қўлинг тегмасин.
Собир ҳеч нарсани англаб етмасди. Унинг кўз ўнгида фақат онасининг пенсия пуллари пайдо бўларди, холос. Она яна оҳиста шу гапларни такрорлади.
– Сизга неварга керакми ёки мен? – деб сўради Собир жаҳл билан. Сўнгра пул ололмаслигига кўзи етди, онаси ётган каравотни ағдариб юборди ва ҳеч нарсани билмагандек эшик томон йўналди.
Кечга бориб, Шоҳсанам холанинг қон босими кўтарилди. Шифокорларнинг муолажалари наф бермади. Она меҳрибон қизининг кўлида жон таслим қилди.
...Собир етиб келганда онасини энди қабрга қўйишаётган эди.
У нима қилишни билмас, одамларга тикилганча гўё мум тишлагандек сукот сақлаб турарди.
– Собир, кетмонни олиб, қабрга тупроқ торт, – деди кимдир.
Собир бу гапни эшитмади. У кўзларини бир нуқтага тикканча оғир ўйга толган эди...
М. ЖАЛИЛ,
журналист.


Фаргона вилояти Бағдод тумани ИИБ ходимлари шу йилнинг май ойида катта миқдордаги героин моддасини аниқлашга муваффақ бўлишди.

МАНЗИЛИГА ЕТМАГАН ОҒУ

Туман ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари, милиция майори Зиёҳиддин Гофуров ёш бўлишига қарамай, тажрибали ходимлардан.
Зиёҳиддин катта миқдорда гиёҳвандлик моддаси борлиги ҳақида маълумот олиши билан раҳбариятга ахборот берди.
Бу ишга вилоят ИИБдан ҳам масъул шахслар жалб этилди. Натихада героин сақлаётган шахс гумондор сифатида ички ишлар бўлимига олиб келинди. У билан узоқ суҳбат қилинган, «ёрилди». 6 фарзанднинг отаси, 42 ёшли Азамат ҳақиқатдан ҳам уйда катта миқдорда оғу сақлаётганини тан олди.
– Сандикнинг қалитини бер! – деди у хотинига. Аёл эрига эътироз билдириш ўринсиз эканлигини сезиб, пиқиллаб йиғлаганча қалитни узатди. Сандикдан олинган иккита сумканинг ҳар бирида 14 тадан елим қозозларга ўралган, арабча ёзувли муҳр урилган 24 та боғлам олинди. Урамлар ечиб тортиб кўрилганда, оғирлиги 26 кг 845 грамм бўлиб чиқди.
...Қамоқдан келганига ярим йил ўтмай Анвар қимматбаҳо чет эл машинасини сотиб олди. Баҳодир эса қатор дангиллама уйлар қурди. Бир неча янги машиналар харид қилиб, укаларига ҳадя қилди. Риштон туманилик бу серҳиммат йигитнинг даромад манбааларига ИИБ ходимлари аниқлик киритишди.
Аниқланишича, рефрежератор поездда юк ташувчи чинозлик Ҳотам, бағдодлик Анвар, риштонлик Собир, Баҳодир, Азамат ва яна беш «шоввоз» жиндий тил бириктириб, Россия шаҳарларига поездда қалампир ва бошқа нарсаларни олиб бориб сотиб юришган. Ана шу юклар ичида кўпинча Ленинободдан юкланган оғу ҳам бўлиб, Саратов ва Москва шаҳарларидаги «мижоз»ларга етказиб берилган.
Ушбу «юк»лар учун пулни Фуркат бериб турган. Ҳамкорлик жуда ишончли бўлган. Фақат сўнги марта оғуни олишга на Саратов, на Москвадан харидор келмаган.
Шу боис Ҳотам Москвадан «юк»ни қайтариб келиб Баҳодирга топширган. У эса хавфсизроқ бўлиши учун ночор яшовчи Азаматдан вақтинча сақлаб туришини илтимос қилган. Оғу куппа-кундуз куни энгил машинада Риштон туманига келтирилиб, сандикқа жойлаштирилади. Милиция ходимлари жиндий тўдани кўлга олиш тadbирини муваффақиятли амалга оширишди.
М. КИМСАНБОВЕВ.

ҚОНДОШЛИК ШУ БЎЛДИМИ?

*Ривоят қилишларича, қадим замонда бир киши ўғли ва укаси билан дарёнинг у қирғоғидан бу қирғоғига ўтаётганда бирдан довул бошланибди. Шунда улар тушган қайиқ ҳалокатга учрабди. Уч йўловчидан бири, яъни ака сузишни билар, у шу дамда атиги бир кишинигина ҳалокатдан қутқариш имкониятига эга экан. Шунда ака кўп ўйлаб ўтирмай сувга чўкаётган укасининг жонини сақлаб қолибди. Ўғли эса гарқ бўлибди. Довул тинибди. Содир бўлган воқеадан хабар топган одамлар акадан «Нега ўз пушти камарингиздан бўлган ўғлингизни эмас, укангизни ҳалокатдан қутқардингиз?» деб сўрашибди.
Ака шундай жавоб берибди. «Укамнинг ҳаёти мен учун қимматлироқ, чунки ҳаётимда яна фарзанд кўришим мумкин. Бироқ бу оламдан кўз юмган онам тирилиб келиб қайтадан менга ука туғиб бермайди». Одамлар аканинг жавобидан қониқиш ҳосил қилишибди.
Биз тилга олган ривоятни кўпчилик билар, айримлар билмас. Аммо оғанилик шундай бебаҳоки, уни дунёларга алмашиб бўлмайди. Афсуски, айрим кимсалар бугунги кунда ўзаро мол-мулк таллашиб, оға-ини, яқин қариндошлардан юз ўгириб кетишяпти. Ҳатто бир-бирларига тан жароҳати етказиб, оқибатда судлашишгача етиб бормоқда.*



Яқинда Пешку туман судида Муҳаммад Шариповга тааллуқли ишни кўрдик. У 2003 йил 17 март куни тахминан соат 17.00 ларда Ўзбекистон ширкат хўжалигида яшовчи, туғишган укаси Сайфиддин Шарипов билан арзимас баҳоналарни ваҳ қилиб, жанжаллашиб қолади. Акасининг бошига ёғоч калтак билан уриб, тан жароҳати етказди. Оқибатда Сайфиддин туман касалхонасида ётиб даволанишига тўғри келади.
Қаҳрамонимиз Муҳаммад Шарипов акаси Сайфиддин билан бир ҳовлида яшаса-да, ўзаро келиш-маслиқларини баён этди. Ўша куни Сайфиддин ота-

сига тегишли бўлган кўйхона ёғочларини олаётганда ота-ўғил ўртасида жанжал чиқади. Шунда Муҳаммад отасининг ёнини олиб, акасининг юзига тупуриб юборади. Акаси калтак олиб унинг ортидан қувади. Хуллас, ака-ука ўртасидаги оқибатда Муҳаммаднинг кўлидаги ёғоч калтакдан акаси шикастланади.
Суд жараёнида ўз акасига тан жароҳат етказган зўравон Муҳаммад қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказган моддий зарарни тўлашини билдириб, кечирим сўради.
Қилмиш-қидирмиш, деган экан доно халқимиз. Жиноятчи қилмишига яраша жазога тортилди. Муҳаммад Шарипов суд ҳукми билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилди.
Ўзаро жанжаллашиб, суд идораларига келган ака-укалар бегона эмас, бир дастурхон атрофида нон-туз бўлишган-ку! Бугунги кунда ҳаётнинг паст-баландини кўриб, яхши-ёмонни ажрата оладиган, турмуш қийинчиликларини мардонворенга оладиган ёшдаги бу йигитларга ачинаиб кетасан, киши. Қани ўзбекона меҳроқибат? Эсиз инсонийлик, эсиз оға-инилик.
М. РЎЗИЕВ.

КИЗЧАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Ташкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 13-йўналишдаги трамвай чиптачиси томонидан 9 ёшлардаги корейс миллатига мансуб қизча олиб келинган. Қизча исмини Светлана фамилиясини Ан, онасининг исми Ирина, отасининг исми Жена деб айтган. Ўзи ҳақида ва ота-онаси ҳақида бошқа маълумотлар бера олмади. Қизчада ру-

ҳий жиҳатдан ривожланиш сустлиги яққол билинади.
Белгилари: бўйи 120-125 см, озгиндан келган, юзи чўзиқроқ, кўзлари қисик, лаби дўрдок, қулоғи катта ёпишган.
Кийимлари: эғнида пушти ранг кўйлак, оқ майка, оёғида қизил туфли бор.
Қизчанингни ота-онаси ёки яқин қариндошлари Ташкент шаҳар ИИББ ВЕИХЕК марказига муурожаат этишлари мумкин.
Телефонлар: 191-34-31, 191-52-37.

Республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси ИИБ Марказий поликлиникаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги С. Асқаровга сўнгилди.
Дилбар АСҚАРОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этилди.
Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби тергов бошқармасининг катта терговчиси, милиция подполковниги
Рамазон СУВАНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирилди.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби махсус тадбирлар отряди бошлиғи, милиция майори
Наصريдин ШАРИПОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирилди.
Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги Н. Муҳаммедовга отаси
РЎЗИ БОБОНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирилди.

Республика ИИБ илмий экспертиза портали техникаси Марказий лаборатория раҳбарияти ва жамоаси лаборатория мудири, ички хизмат катта лейтенанти З. Алневага онаси
ТУРСУНОЙ аялининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирилди.
Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби хўжалик бўлими ҳайдовчиси, милиция сержанти
Бахтиёр ИСОҚОВнинг хизмат бурчини бажариш чоғида фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Сиз кутган учрашув


Валижон Шамшиев одамларга кулгу улашаётган, тез орада машхур бўлиб, халқимиз кўнглидан жой олган, ўзи ёш бўлишига қарамай чолу кампирларнинг родини қойилмақом қилиб ижро этаётган қизиқчидир. У жуда санимий, қувноқ, кези келганда ўта жиддий ва шу билан бирга дилкаш суҳбатдош. Қуйида қизиқчи билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Валижон, аввало санъатга кириб келишингиз ҳақида тўхталсангиз.

– Мен асли сиёсатчи бўлишни орзу қилардим. Лекин ҳаётдаги ноҳақликлар, адолатсизликлар, бир сўз билан айтганда, тақдир зарбалари бу фикримдан қайтарди ва ўзимни санъат соҳасига бағишладим. Бундан афсусланмайман ҳам. Чунки, озми-кўпми мухлисларимга эга бўлдим, халқ мени санъаткор деб тан олди. Бу мен учун катта бахт, албатта.

– Устозингиз Мирзабек Холмедовни нега ҳеч ўзингиз яратган фильмларга таклиф қилмайсиз ёки уларбоп роль йўқми?

– Саволингиз жуда ўринли бўлди. Шу баҳона яна бир бор устозимга кўнглимдаги гапни гапириб олмоқчиман. Авваламбор, яратаётган фильм қандай чиқаркин, унга халқ қандай қараркин, деб ўйладим. Устозимдан истихоло қилиб, фильмга таклиф қилишга ҳаддим сизмади. Лекин ҳали яна фильм яратиш режаларимиз бор. Бу борада озми-кўпми тажриба ҳам тўплладим. Энди устозимни бемалол, уялмай роль ижро этиш учун таклиф қилсам бўлади.



КўНГЛИ

– Шогирдларингиз борми?

– Ўзим ҳали шогирдман-ку. Ўзимни устоз даражасига етдим деб ҳисоблолмайман. Бобокалонларимиз Навоий, Бобур, Ибн Сино каби буюк даҳларимиз қолдирган улкан мерос олдида бизнинг қилган ишларимиз нима бўлибди. Санъаткорнинг оёғи ердан узилиб қолиши керак эмас. Бизни осмонга кўтарадиган ҳам, ерга тушириб қўядиган ҳам халқ. Шуни унутмаслигимиз лозим.

– Сизни хафа қилиш осонми?

– Шукрулло Исроиловнинг таъбири билан айтганда, ҳамма гапни ўзимга олаверар эмишман.

– Кечиримлимисиз?

– Албатта. Авало, Аллоҳ кечирсин. Шу гапимни бировлар манманликка йўйиши мумкин. Биз

ҳаммамиз гуноҳкор бандамиз. Парвардигорнинг олдида кимизки, ўзимиз қатори банданинг гуноҳидан ўтмайдиган бўлсак.

– Танқидга муносабатингиз?

– Доно халқимиз "Мевали дарахтга тош отилади", деб бежиз айтмаган. Лекин танқидни ҳам одамга секин-аста сингдириш лозим. Мен кўпроқ "танқид" ва "тарбия" сўзларини солиштириман. Иккиси ҳам олти ҳарфдан иборат. Танқид қилгандан кўра тарбия берган яхшироқ деб биламан. Йўл-йўриқ кўрсатишса, маслаҳат беришса жон-дили билан унга амал қилишга интиламан.

– Энг қувончли кунингиз...
– Энг қувончли куним – бу туғилган куним. Чунки мен шу кунни ёруғ дунё юзини кўрганман.

– Санъаткорлар ҳақида кўп миш-миш гаплар тарқалиб туради. Ўзингиз ҳақингиздаги энг нохуш "миш-миш"ни эшитганмисиз?

– Албатта. Бир куни тўйда, халқ хизматида эдим. Қассобларнинг тўйи эди. Улар ҳақида бир лати-

ярашмас – бачканалик деб биламан. Яна бир томони, беш-олтита одамга ёқмаган нарсани бачканалик деб бўлмайди. Чунки, бу нарса кўпчиликка ёқши мумкин.

– Омадга ишонасизми?

– Албатта. Ўзимни омадли йигитман деб айта оламан.

– Аёллардаги қайси фазилатларни ёқтирасиз, қайсиларини ёқтирмайсиз?

– Аёлларнинг оилада ҳам, ишида ҳам ўз ўрнини биладиганларини

Хур-м а т

қиламан. Уларни асло ибодат тарк этмаслигини истайман. Аёлларнинг

ҳукмронлик қилишини ҳеч ҳазм қилолмайман. Эрнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз вазифасини қилишини хоҳлайман.

– Жиддий роллар ижро этиш ниятингиз борми?

фа айтдим. Шунда бир қассоб йигит ҳазил тариқасида пичоқ билан даврага чиқди. Мен унга қаратэ усулини қўллаб, секин пичоқни олиб киссамга солдим. Эртаси кунни онам Андижондан телефон

ҚИЗИҚЧИ

қилаяптилар. Акамни номини айтиб: "Уканг қани, қаерда, тинчми?" деб йиғлаяптилар. Уларга: "Онажон, мен ахир Валиман" десам, "Вой, болам, сени тўйда сўйиб қўйишибди, деб эшитдим-ку", дедилар. Мана сизга "миш-миш"нинг оқибати.

– Ҳаётда В. Шамшиев қандай инсон?

– Мен кўлимдан келганча инсонларга яхшилик қилгим, қандайдир қаҳрамонликлар кўрсатгим келади. Ҳар куни кечкурун бугун қандай савобли иш қилдим, кимга озор бердим, деб таҳлил қиламан. Хатоларим бўлса тузатишга интиламан.

– Асосий даромад манбаингиз?

– Концертлардан.
– Бачканалик деганда нима ни тушунасиз?

– Қилаётган хатти-ҳаракатинг ўзингга ярашса – қизиқчилик,

Бор. Инсон борки орзу билан яшайди. Мабодо нияти амалга ошмай қолса, энди у умид билан яшай бошлайди. Илоё, ҳеч биримизни умид тарк этмасин.

– Оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Аёлим-уй бекаси, икки фарзандимиз бор. Қизим Муштарийбону уч ярим ёшда, ўғлим Шамсиддин икки ярим ёшда.

– Энди янги фильмнинг ҳақида гаплашсак.

– "Тақдир зарбаси" фильми "Келдию кетди" студиясининг илк маҳсулотидир. Бизнинг биринчи мустақил ишимиз. Ҳақиқатдан чиққан. Мақсадим, одамларни катта экранга яна қайтариш. Катта экранда кино кўришнинг гашти барибир бошқача бўлади. Анвар Обиджон қаламига мансуб бўлган "Қайтмас" фильми ҳам катта муваффақият қозонди. "Тақдир зарбаси" фильмининг

режиссёри Эргаш Мўминов, тасвирчи Аваз Ҳақимов, бастакор Мирхалил Маҳмудов. Бу номларни бекорга айтаётганим йўқ. Биз киногуруҳ туздик. Ҳамма ўз вазифасини аъло даражада бажарди. Иқтисодий томондан ўзимизни ўзимиз таъминладик. Ҳомий қидириб, судхўрларга дуч келишдан ҳайқидим. Қарз инсон бўйини хоҳлаган пайтда эгиб қўяди.

Кинодан олдин биз Ш. Исроилов билан ярим соатлик томоша кўямиз. Томошабинлар келаяпти. Фильм қачонгача намойиш этилиши номаълум. Кинонинг яна бир жиҳати – Ўзбек Миллий

театрида намойиш этилаётди. Бу муқаддас даргоҳда санъатимиз осмонда ўчмас из қолдирган дарғалар ижод қилган. Фильм ҳақида холис баҳони албатта томошабин беради.

– Суҳбатимиз сўнггида "Postda" газетаси муштарийларига тилақларингиз.

– Биз юрган кўчаларда, сиз ҳам юринг, биродар. Эр бўлсангиз, лафзингизда содиқ туринг, биродар. Кўчанинг кенг-тори бор, кўнглимнинг бир зори бор. Мард бўлиб оқибатдан кўрган қўринг биродар!

Илоҳим юртдошларимизнинг оқибатдан қўрган кўронларини мустаҳкам бўлсин. Шу кўроннинг поссонлари бор бўлсин, постда туришдан чарчашмасин.

Мастура ЮНУСОВА,
суҳбатлашди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ катта тезкор вакили, милиция майори Эркин САИДОВНИ туғилган куни билан санимий табриклаймиз. Дўстимизга узоқ умр, оилавий бахт ва ишларида ютуқлар тилаймиз.

Ҳурмат ила дўстлари.

Суюкли набирамиз, жиянимиз Дилдорaxon!

Сени 23 август куни 5 ёшга тўлишинг билан чин дилдан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Келажакдаги орзу-ниятларинг амалга ошиб, яқинларинг меҳри, бахти ва омади доимий ҳамроҳинг бўлсин!



Буванг Шокиржон, бувинг Мукаррамжон, тоғаларинг Шавкатжон, Шухратжон ва онажонинг Ҳилолажон.

ТУРФА ОЛАМ

● 1863 йилда Жюль Верн "Париж XX асрда" китобини ёзди. Унда автомобиль, факс ва электр стуллар батафсил тасвирланган эди. Ношир муаллифни ҳаёлларастан, деб ҳисоблаб қўлғамани қайтариб берди.

● Дунёда содир этилган ҳар еттита жиноятдан биттасигина фош этилар экан.

● Шаҳарлик фуқаро умрининг ўртача икки ҳафтасини йўлчиноқ олдида ўтказди.

● Асаларининг кўзи бешта.

● Қадимги юнонлар ва римликлар тиш чўткаси ва пастаси сифатида зайтун дарахтининг яшил новдаларидан фойдаланишган.

● Икки бармоқ буклаб халқа шаклига келтириш Россияда нолни Японияда пулни, АҚШда "ҳаммаси жойида" деган маънони англатади.



<p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN Tahririyati</p> <p>MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1</p>	<p>Bosh muharrir Shuhrat MURODOV</p> <p>Bosh muharrir o'rinbosari v.b. Murod TILLAYEV Mas'ul kotib R. BERDIYEV</p> <p>Navbatchi S. SHAMSIDDINOV</p> <p>Sahifalovchi Z. BOLTAYEV</p> <p>Musahhih G. XOLIQOVA</p>	<p>TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 59-20-96. muxbirlar bo'limi 139-75-69. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.</p> <p>E-mail: urmyd@globalnet.uz</p>	<p>Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421.</p> <p>«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.</p> <p>Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan</p> <p>Buyurtma G — 739. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida. 45954 nusxada chop etildi.</p>	<p>● Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart</p> <p>● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.</p> <p>● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</p>	<p>Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366</p> <p>Gazeta haftanang payshanba kuntari chiqadi.</p> <p>Bosilishga topshirish vaqti — 20.00. Bosilishga topshirildi — 20.00.</p> <p>«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.</p> <p>Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy. 1, 2, 3, 4, 5, 6.</p>
--	---	---	---	--	---